

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС  
ВА ХОРЕОГРАФИЯ  
ОЛИЙ МАКТАБИ**

**МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН**

# **ДИССЕРТАЦИЯ**

**ТОШКЕНТ-2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ  
МАКТАБИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 792.5(575.1)020*

**Джурабаева Чаросой Хосилжановнанинг**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВАНИНГ  
МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎШГАН  
ҲИССАСИ**

**5A151301- Хореография санъати ва хореография**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

## **ДИССЕРТАЦИЯ**



**Илмий раҳбар:**  
“Хореография санъати”  
кафедраси доценти Ш.М.Тоҳтасимов

**ТОШКЕНТ 2018 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАКС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ  
МАКТАБИ**

**Джурабаева Чаросой Хосилжановнанинг “Ўзбекистон Халқ артисти  
Қундуз Миркаримованинг миллий ракс санъати ривожланишига  
қўшган хиссаси” мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

**АННОТАЦИЯ**

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Ўзбек миллий ракс санъатини ривожлантириш, давлат ва хусусий ансамбллар ижодий изланишлари натижасида ракс намуналарида юзага келаётган янги тенденцияларни таҳлил этиш, ракс меросини хорижий муносабатлар ва интернет манбалари орқали кириб келаётган ёт унсурлардан асраш борасида аниқ тавсиялар ишлаб чиқишда Ўзбекистон Халқ артисти, профессор, профессионал ракс устаси ва билимдони, маҳоратли балетмейстер ва педагог Қ.Миркаримова ижоди ва унинг миллий ракс намуналари яратилишидаги фаолиятини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қундуз Миркаримованинг ўзбек миллий ракс санъати таракқиётига қўшган хиссаси илмий тадқиқ ва таҳлил этиш, бу мероснинг бугунги кун ижодий жараёнлардаги аҳамиятини белгилаш ҳамда миллий ракс таракқиётига хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси:** Тадқиқот мақсаддан келиб чиқиб, ўзбек миллий ракс санъати тарихи, таракқиёт жараёнлари, Қ.Миркаримованинг ракс санъатига кириб келиши, унинг ижодий юксалиш паллалари, миллий ракс меросига қўшган хиссаси ва бугунги кун ракс санъати назарияси ва амалиётида тугган хиссаси билан боғлиқ бўлган тадқиқот жараёнларини амалга ошириш кабилардан иборат

**Тадқиқотнинг объекти.** XX аср ўзбек хореография санъати тарихи ва таракқиёти жараёнлари, авлодлар алмашинуви, миллий ракс ривожланиш тенденцияларининг юзага келиши жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети.** Қ.Миркаримованинг ижоди, фаолияти, XX аср ўзбек миллий ракс санъати бадий қиёфаси яратилишидаги ва ривожланиш тенденцияларидаги ўрни, нодир сахна асарлар ва уларнинг бугунги кун ижодий жараёнларидаги аҳамияти **предмети** бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Илмий ишни Ф ва миллий ракс таракқиётига хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Ишнинг тузилмасининг тавсифи.** Кириш, олти параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, унинг ҳажми 84 бетни ташкил этади.

Илмий рахбар



доц. Ш.М.Тохтасимов

Магистрант



Ч.Х.Джурабаева

**MINISTRY OF CULTURE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**  
**TASHKENT STATE HIGHER SCHOOL NATIONAL DANCE AND**  
**CHOREOGRAPHY**

**Djurabaeva Charosoy Khosiljanovna's master's thesis on**  
**"Contribution of national artist of Uzbekistan Kunduz Mirkarimova to**  
**national dance art"**

**ANOTATION**

**The relevance of the research.** People's Artist of Uzbekistan, professor, professional dance masters and co-founder of the Uzbek Folk Dance Ensemble in the development of the Uzbek national dance art, the analysis of new trends in dance samples as a result of the state and private ensembles, and the development of concrete recommendations for protecting the dance heritage from foreign relations and the Internet. knowledgeable, skillful ballet-master and the study of pedagogue Q.Mirkarimova's work in the creation of national dance samples.

**Purpose of the research.** The contribution of Kunduz Mirkarimova to the development of Uzbek national dance is to analyze and analyze the significance of this heritage in modern creative processes and to develop proposals and recommendations for the development of national dance.

**Research assignment:** The purpose of the research is to investigate the history of Uzbek national dance art, development processes, Q.Mirkarimova's dance art, her creative growth stages, heritage of national dance heritage, and research projects related to contemporary dance art theory and practice as the case may be

**Object of research.** The process of emergence of trends in the development of national dance in the 20th century, the history and development of the Uzbek choreography art, generation of generations.

Subject of research. The creativity, activity of K.Mirkarimova, the role of the 20th century in the creation and development tendencies of the Uzbek national dance art, rare scenes and their significance in today's creative process.

Description of the method used in the study. In the course of the research, experimental-theoretical methods were used to observe, compare, analyze, induction, deduction.

**Scientific novelty of research work.** The activities of Kungduz Mirkarimova in the history of development of Uzbek choreography history, development processes and unique methods in the national dance schools are the first to be studied scientifically and developed in the form of recommendations and suggestions for the development of national dance.

**Description of the work structure.** The introduction consists of the six chapters containing six paragraphs, the conclusion, the list of references, and the appendix, which is about 84 pages long.

**Scientific supervisor**



**Sh.M. Toktasimov**

**Master**



**Ch.X. Djurabaeva**

## М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш .....	3
I БОБ.	Ўзбек миллий ракс санъати ривожланишида анъана ва замонавий тенденциялар .....	18
1.1.	XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида ўзбек миллий ракс санъатининг бадиий кифаси .....	19
1.2.	Қундуз Миркаримованинг ракс санъатига кириб келиши . .....	28
II БОБ.	Қундуз Миркаримованинг “Баҳор” ракс ансамблидаги фаолияти .....	38
2.1.	Қундуз Миркаримова: ижро ва маҳорат пиллапоялари . . .	39
2.2.	Қундуз Миркаримова: “Баҳор” ракс ансамбли раҳбари: ижодий сафарлар ва эришилган марралар .....	44
III БОБ.	Қундуз Миркаримованинг балетмейстерлик ва педагогик фаолияти .....	50
3.1.	Қундуз Миркаримова балетмейстерлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари .....	51
3.2.	Қундуз Миркаримова ижоди тарғиботи ва замондошлар фикри .....	57
	Хулоса .....	65
	Адабиётлар рўйхати .....	71
	Илова .....	76

## КИРИШ

Ислохот – жамият таракқиётининг пойдеворидир. Шу боис жамиятнинг барча соҳаларини танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш янги марралар сари етакловчи асосий кучдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мана шу мақсадларга қаратилмоқда. Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup> ишлаб чиқилганлиги тобора глобаллашиб, барча соҳаларда рақобат кучайиб бораётган кескин бир шаронгда мамлакатимизда эришилган ютуқларни сақлаб қолиш ва янги марралар сари кўтаришга қаратилган мезонларни ўртага чиқарди.

Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар сингари маданият ва санъатдек халқ миллий гурури ва ўзлигини англашида етакчи куч ҳисобланган соҳалар таракқиётига катта эътибор берилиши бежиз эмас. Мазкур стратегияда белгиланган вазифаларга кўра барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари раўнақини янги босқичга кўтариш энг долзарб масала сифатида юзага чиқди. Бунга кўра амалга оширилган ишларнинг энг аҳамиятлиси, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 49-56-сонли Фармони<sup>2</sup> эълон қилинганлигидир. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 8-сон.

этилганлиги соҳаларда амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фармоннинг 4-бандига асосан “Ўзбекнаво” Эстрада бирлашмаси ва “Ўзбекракс” миллий ракс бирлашмаси негизида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ташкил этилди. Бу ўз ўрнида ракс санъатига бўлган эътиборни янада кучайтиришга, уни янги марралар сари олиб чиқишга дастурул-амал бўлиб хизмат қилади. Амалга оширилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 31 майдаги ПҚ-30-22-сонли Қарори “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори соҳага доир мақсад ва вазифаларни янада аниқ белгилаб берди. Жумладан, Қарорда “Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор вазифа сифатида аҳамият қаратилиб келинмоқда. Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оксоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда

мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти”<sup>1</sup> дея, ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлилий ва танқидий шарҳланган. Мазкур Фармон асосида “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

“Ўзбек миллий ракс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таникли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш”, “Баҳор нафаси” халқаро санъат фестивали, “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали, “Ёшлик баҳори” республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайлларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш”<sup>2</sup> кабилар мазкур дастурда белгилаб қўйилди. Бу каби юксак эътибор бугунги кун ракс санъати тараққиётининг қонуний асосини таъминлаб берди. Шунингдек, Қарорда концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грим ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, махсус либослар, жумладан, балет санъати учун либослар, юксак даражада ишланган сахна декорациялари ва конструкциялари, парда ва сахна либосларини тайёрлашга ихтисослашган кўшма корхона ташкил этиш борасидаги топшириқлар берилди.

Юқорида қайд этилган Қарор, унинг асосида ишлаб чиқилган дастурлар қўламининг кенглиги Маданият ва санъат соҳасида малакали мутахассислар таёрлашга қаратилган олий ўқув юртлари – Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 1 июнь

<sup>2</sup> Ўша манба

давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби профессор-ўқитувчилари, соҳанинг етук мутахассислари олдига катта вазифалар юклайди. Жумладан, қарорда қайд этилган миллий рақс санъати тарихи ва таракқиёт жараёнларини ўрганиш, илмий-назарий асосларини яратиш, танқиди ва таҳлилини кенг жамоатчиликка тақдим этиш каби долзарб вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, республикамизда ягона таянч олий ўқув юрти – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби педагог кадрлари, магистрантлари фаолияти катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ташаббуси билан ўзбек миллий рақс ва хореография санъатининг таниқли намоёндалари иштирокида рақс санъатини янада ривожлантиришга қаратилган “Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференциядан кўзланган асосий мақсад, Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-30-22-сонли Қарори ижросини таъминлаш, ўзбек миллий рақс санъатининг тарихи, таракқиёт жараёнлари ўрганиш, таҳлил ва ташвиқ этиш, соҳада етишиб чиқаётган мутахассис кадрларнинг илмий-ижодий салоҳиятини оширишга, миллий рақс санъатини ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш, илмий янгилик ва хулосаларни соҳага изчил жорий этиб боришга қаратилди. Мазкур конференция доирасида ҳам фикр ва мулоҳазалар аввало, рақс санъати тарихи ва таракқиёт жараёнлари масаласида амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўламини юзага чиқарди. Бир неча масалалар қаторида ўзбек рақс санъати мероси, тарихи ва таракқиёт жараёнларининг илмий-назарий ўрганиш, таҳлил этишда ижодий портретлар аҳамиятига ҳам алоҳида

тўхталиб ўтилди. Бу борада, ўзбек ракс санъати буюк намоёндаси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Қундуз Миркаримованинг ҳаёти, фаолияти, илмий-ижодий меросини ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:**

XX аср ўзбек ракс санъатида эришилган ютуқлар бугунги кун ўзбек миллий ракс санъати мероси ва маданиятининг энг нодир намуналарини берди. Аср бошида ўлкага профессионал сахна ракси кириб келиши билан ижодий жараёнлар ҳар қанча тўсиқлар бўлишига қарамадан изчил тараккий этди. Бу жараёнларда, аввало, Юсуфжон кизик Шакаржонов, М.Қориёқубов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Муқаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Розия Каримова, Қундуз Миркаримова сингари ракс санъати билимдонлари, раққос ва раққосаларнинг фидокорона изланишлари, меҳнатлари самараси қаттадир. Айнан мана шу ижодкорлар ижоди, фаолияти ва улар яратиб берган мерос бугунги кун ўзбек миллий ракс санъатининг бидий қиёфасини пайдо бўлишида энг асосий омил бўлди.

XX асрнинг биринчи чораги ва ундан кейинги даврлардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маданий ҳаётда мавжуд қарама-қаршиликлар авж олишига қарамадан ракс санъати ривожланиши учун маълум имкониятлар пайдо бўлди. Мана шу жараёнларда миллий ракс санъатимиз ўзининг тамал тошини қўйди.

Асрнинг иккинчи ярмида миллий ракс санъатимиз чинакам маънода муваффақият пиллапояларига чиқди. Бу даврда ўзбек ракс маликаси – Муқаррама Турғунбоева бадий раҳбарлигидаги “Баҳор” ракс ансамбли ижодий сафарларда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида бўлиб, ўзбек миллий ракс санъатини жаҳон сахнасида намойиш этди. Айни даврда бу

хаби муваффақиятларга эришиш катта воқеа эди. М.Тургунбоевадан сўнг мазкур ракс ансамблини кўп йиллар самарали бошқарган, ўзбек ракс санъатида эришилган марраларни ёш авлодга етказишда катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Қундуз Миркаримова ижоди ва фаолияти ўзбек миллий ракс санъати ва маданияти тарихининг катта қисмини ташкил этади. Бугунги кунда биз миллий ракс санъатимиз, унда эришилган ютуқлар билан фахрланишга тўла асосимиз бор. Бу борада, ёш авлод вакиллари устозлар анъаналари давом эттириб, муваффақиятли натижаларга эришиб келмоқда. Бироқ, ХХІ асрда авж олган глобаллашув, дунё маданий чегараларининг “ювилиб кетиши”, халқаро ахборот (аудио, видео) алмашинуви, “оммавий мадания”нинг ёт, салбий унсурлари ўзбек ракс санъатининг бугунги кифасига таъсир ўтказмаяпти, дея олмаймиз. Тўй ва хашамларда, баъзи ҳолларда давлат тадбирлари ва ҳатто телевидениеда тақдим этилаётган кўрсатув ва фильмларда ҳам нодир ракс намуналаримизни ноҳўя ҳаракатлар билан “бойитиш”га уринишни, бузиб талқин этилишини кўришимиз мумкин. Мана шундай бир жараёнда ўзбек миллий ракс санъати тарихи, ривожланиш жараёнлари, ракс санъатимиз элементларининг асл мазмун-моҳиятини ўрганиш, таҳлил этиш долзарб масала сифатида ўртага чиқди. Бу жараёнларда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, профессионал раккоса ва балетмейстер, узоқ йиллар мобайнида “Баҳор” ракс ансамбли раҳбарлигида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек миллий раксининг асл намуналарини халкимиз ва жаҳон сахнасида тараннум этган Қундуз Миркаримованинг илмий-ижодий фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш масаласи ўз долзарблигини янада оширади. Алводлар алмашинувида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтаган Қундуз Миркаримова ҳамда Мукаррама Тургунбоева ижодини бардавомчиси бўлди. “Ғайратли киз”, “Катта ўйин”, “Хоразмча ракс”, “Уйгурча ракс”, “Роҳат”, “Жонон”, “Катта бухорча”, “Бисёр”, “Олмача

анор”, “Сўзана”, “Палак”, “Пахта” ва бошка бир қанча миллий рақсларни ва “Сафти муножот”, “Насри сегоҳ”, “Синахирож”, “Дилхирож”, “Кўза рақси” ва араб, тунис, япон, турк, корейсча якка рақсларни ҳам юксак муваффақият билан сахналаштира олган маҳоратли балетмейстер, педагог фаолияти хали-хануз илмий тадқиқ этилмаганлиги мавзу долзарблигини яна бир бор исботлайди. Айтиш жоизки, Қ.Миркаримова ижодий фаолияти санъатшунос олимлар диққат марказида бўлиб, вақтли матбуотлар, газеталарда доимий равишда унинг ҳаёти, ижоди, “Баҳор” ансамблидаги фаолиятига бағишлаб мақолалар эълон қилган. Ундан ташқари ижодкорга бағишланган “Рақс маликаси” номли видео фильм ҳам суратга олинган. Бирок, матбуот ахборий хусусиятларга кўра Қ.Миркаримова ижодини тўла ёритиб бера олмаган.

Шу маънода, мазкур магистрлик диссертацияси юқоридаги камчиликларни тўлдиришга, Қ.Миркаримова ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий тадқиқ этишга ва унинг ўзбек миллий рақс санъати тараккиётига кўшган хиссасини ўрганишга бағишланганлиги билан долзарбдир.

#### **Тадқиқот объекти ва предмети:**

Мазкур тадқиқот **объекти** – XX аср ўзбек хореография санъати тарихи ва тараккиёти жараёнлари, авлодлар алмашинуви, миллий рақс тенденцияларининг юзага келиши жараёни ҳисобланади.

Ўзбек миллий рақс санъати ривожланиш тенденцияларининг ўзига хос хусусиятлари, нодир сахна асарлари яратилиши, рақс сахналаштириш сирлари такомиллашуви, “Баҳор” рақс ансамбли билан дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, халқ рақсининг нодир намуналарини дунёга тараннум этишда сермазмун ва сермахсул ижод этган Қ.Миркаримованинг илмий-ижодий мероси, балетмейстерлик, педагогик фаолияти – ушбу ишнинг **предмети** бўлиб хизмат қилди.

### Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Мазкур диссертациядан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, профессионал рақс устаси, маҳоратли балетмейстер ва педагог, фахрий профессор Қундуз Миркаримованинг ўзбек миллий рақс санъати таракқиётига қўшган хиссасини, илмий, ижодий фаолиятини илмий-назарий тадқиқ этиш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- Ўзбек рақс санъати ривожланишининг тарихий аспектларини қисқача ўрганиш, таҳлил этиш;
- XX аср ижтимоий-маданий ҳаётида рақс санъатига бўлган муносабатлар ва айни даврда илмий-ижодий имкониятларни ўрганиш, таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда профессионал сахна рақс санъати ривожланиши учун имкониятларнинг юзага келиши жараёнларини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Қ.Миркаримованинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий изланишлар, мақолалар, архив материаллари, видеотасмаларни топиш, ўрганиш;
- Қ.Миркаримованинг рақс санъатига кириб келиш тарихини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Қ.Миркаримованинг профессионал рақс санъатида юксалиш жараёнларини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Қ.Миркаримова ижросидаги рақсларни таҳлил этиш, унинг ўзбек рақс санъатига қўшган хиссасини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Қ.Миркаримованинг “Баҳор” рақс ансамблидаги раққосалик, балетмейстерлик ва бадий раҳбарлик фаолиятини тадқиқ ва таҳлил этиш;
- Қ.Миркаримованинг ўзбек рақс санъатини ўқитиш методикаси бўйича олиб борган илмий, ижодий изланишларини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Илмий–методик қўлланмаларни ўрганиш ва унинг бугунги кун ўзбек рақс санъати ўқитиш методикасида тутган ўрнини таҳлил этиш;

– Ўзбек ракс санъатининг авлоддан–авлодга ўтиб келиши масаласида Қ.Миркаримованинг олиб борган илмий-ижодий фаолиятини тадқиқ этиш;

– Бугунги кун замонавий педагогик жараёнларда Қ.Миркаримова меросидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ ва таҳлил этиш кабилар асосий вазифалар сифатида ўртага чиқди.

#### **Ишнинг илмий янгилиги:**

Ўзбек хореография санъати тарихи ва таракқиёти жараёнлари, миллий ракс мактабларида ўзига хос услублар, ҳаракат ва ҳолатларнинг авлодлар алмашинувида Қ.Миркаримованинг фаолияти илмий-назарий жиҳатдан илк бора магистрлик диссертацияси сифатида тадқиқ этилди.

#### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:**

Бугунги кун ўзбек хореографиясида миллий ракс намуналарини софлигини, ракс ҳаракат ва ҳолатларида асрий урф-одат, анъана ва кадриятларимиз мероси уйғунлигини сақлаш, яратилаётган ракс намуналарининг бадиий-эстетик ва эмоционал таъсирини ошириш, ушбу санъатнинг ўсиб-улғайиб келаётган ёшларнинг маънан соғом ва баркамол авлодлар бўлиб етишишидаги тарбиявий аҳамиятини ошириш долзарб масала бўлиб турибди. Бу борада, профессионал ракс санъатининг етук намоёндаси Қ.Миркаримованинг авлодалар алмашинувидаги ўрни, фаолиятига оид тадқиқотлар натижаси соҳага доир масалаларни ўрганишга катта ёрдам беради. Мазкур масаланинг тадқиқ этилиши жараёни ўзбек хореография санъати тарихи, назарияси ва амалиёти жараёнларидаги номувофикликларни билишга, мавжуд муаммолар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради. Шунингдек, тадқиқот ракс педагогикаси ва саҳналаштириш сирларига доир ўрганилган тажриба ва бой амалиётни жамлаб, келгусида мазкур масалаларда ўртага чиққан муаммоларни ўрганишга, таҳлил ва танқид қилишга, миллий ракс

элементлари софлигига путур етказаётган ёт омиллар, “оммавий маданият” унсурларини фарқлаб олишга имкон бериши мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижалари ва хулосалари ракс санъатига ихтисослашган олий ва ўрта махсус талим муассасалари, махсус мусиқа ва санъат мактаблари ва ракс тўғаракларида ёшларни тарбиялашда, балетмейстерлар фаолиятида эса ракс сахналаштириш жараёнларида тарихий элементлар мазмун-моҳиятидан, либосдан тўғри фойдаланишда ҳам муҳим манбаа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кейинги давр санъатшунослик (раксшунослик) илми билан шугулланувчи ёш санъатшунослар, тадқиқотчилар ҳам мазкур диссертациянинг материалларидан қўшимча манба сифатида фойдаланиши мумкин.

#### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили):**

Ўзбек миллий ракси тарихи ва тараққиёти жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш бизнинг мамлакатимизда XX асрда, бевосита миллий ракс санъатимизнинг гуллаб-яшнаган даврида бошланди. Даставвал, бу жараёнларни Юсуфжон кизик Шакаржонов, М.Қориёкубов, Уста Олим Комилов, И.Окилов каби ракс санъати усталари, И.Бахта, Е.Романовская, Ғ.Зафарий сингари санъатшунослар бошлаб берди.

Ғ.Зафарий, И.Бахта ва мусикашунос Е.Романовская ҳамкорлигида 1930-йилларда Фарғона мумтоз ракси “Қатта ўйин” ёзиб олинган. Бирок, олиб борилган ишлар охирига етмаган. Театршунос олим М.Қодировнинг илмий изланишларида ҳам ракс санъати, фольклор-этнографик жамоалар фаолияти ўрганилиб, талайгина маълумотлар йигилган. Аммо, булар ҳам миллий раксимиз хақида тўлақонли тасаввур беришга имкон бермайди. Кейинги даврларда фаолият олиб борган раксшунос Любовь Авдсева ижоди бир қадар самарали бўлиб, мазкур олима ўзбек ракс санъати тарихи, тараққиёти жараёнлари, ракс санъати ҳаракати ва ҳолатларига доир маълумотларни тўплаб, раксшуносликнинг тарихи, шаклланиши ва

ривожланиш жараёнларини илмий тадқиқ қилиб, асослаб берди. Унинг “Тамараханум”<sup>1</sup>, “Танцы Мукаррама Тургунбаевой”<sup>2</sup>, “Балет Узбекистана”<sup>3</sup>, “Ўзбек ракси тарихидан”<sup>4</sup> китоблари нашр этилган.

Юқорида номлари қайд этилган санъатшунос олимлар, раккос ва раккосалар ижодида ўзбек миллий ракс санъати назарияси шаклланди ва маълум илмлар мажмуаси юзага келди. Улар ракс санъати тарихи ва бадиий жараёнларига, ўзбек ракс санъатининг етук намоёндалари Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Мукаррама Тургунбоева каби қатор ижодкорлар ижодий фаолиятига оид тадқиқотлар, таҳлилий изланишлар олиб борган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон фанлар академияси қошидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институти томонидан тайёрланган “Ўзбекистон санъати”<sup>5</sup> тўпламида ракс санъати, тарихи, ривожланиши ва айни даврда фаолият юритаётган бир-неча ансамбллар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Профессионал раккоса ва балетмейстер, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Розия Каримова XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб раксшунослик илми билан шугулланиб, ўзбек миллий ракс санъати ҳаракат ва ҳолатларини ёзиб олиш системасини яратди. Унинг “Ферганский танец”<sup>6</sup>, “Хорезмский танец”<sup>7</sup>, “Бухарский танец”<sup>8</sup> номли китобларида ўзбек анъанавий ракс санъатининг асосий йўналишлари уч мактаб доирасида ўрганилган, таҳлил этилган. Мазкур илмий изланишлар нағижасига таянган ҳолда “Танцы ансамбля Бахор”<sup>9</sup> номли ракс тўпламини тўпламини нашр эттирган бўлиб, унда ҳаракатлар тизимли баён этилган.

<sup>1</sup> Авдеева Л. Тамараханум. – Ташкент: 1996 г.

<sup>2</sup> Авдеева Л.А. Танцы М. Тургунбаевой. –Ташкент: 1966 г.

<sup>3</sup> Авдеева Л.А. “Балет Узбекистана”. – Ташкент. “Адабиёт ва санъат” 1973 г.

<sup>4</sup> Авдеева Л.А. Ўзбек ракси тарихидан. –Тошкент, 2003 й.

<sup>5</sup> Ўзбекистон санъати. Тўплам. –Тошкент, 2001й.

<sup>6</sup> Каримова Р. Ферганский танец. –Ташкент, 1973 г.

<sup>7</sup> Каримова Р. Хорезмский танец. – Ташкент, 1975 г.

<sup>8</sup> Каримова Р. Бухарский танец. – Ташкент, 1977 г.

<sup>9</sup> Каримова Р. “Танцы ансамбля Бахор”. - Ташкент, 1976 г.

Шунингдек, Р.Каримова илмий фаолиятида етук ракс усталари хақидаги “Танцы Равии Отаджановой”<sup>1</sup>, “Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова”<sup>2</sup> сингари тадқиқотлар мавжуд. Аммо, Р.Каримова илмий фаолиятининг бош мезони методик характерга эга бўлиб, унда асосан ракс ҳолати ва ҳаракатлари, саҳналаштириш сирлари ва ўзбек миллий раксининг авлоддан-авлодга сақланиши масалалари бош мақсад сифатида қаралган. Бироқ, кейинги давр санъатшунослигида ракс санъатига доир муқаммал илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу жумладан, Қ.Миркаримованинг ҳаёти, фаолияти, илмий-ижодий изланишлари, педагогика соҳасида эришган ютуқлари хусусида тадқиқотлар мавжуд эмас. Р.Каримова ижодидаги “Танцы ансамбля Бахор” номли ракс тўпламида “Бахор” ракс ансамблидаги энг сара рақслар ва уларнинг ҳаракат ва ҳолатлари баён этилган бўлиб, Қундуз Миркаримованинг мазкур ракс ансамблидаги фаолияти қатга даврни ўз ичига олганлиги боис унда Қ.Миркаримова тўғрисида қисман маълумотлар мавжуд. Аммо, мазкур маълумотлар Қ.Миркаримова ҳаёти, фаолияти, илмий-ижодий изланишларига, унинг миллий ракс санъати ривожига қўшган хиссасига доир тадқиқотлар олиб боришга етарли эмас. Вақтли матбуотларда нашр этилган мақолалар ҳам ахборот-информацион характерга эга бўлиб, мазкур тадқиқот мақсад ва мавзусини ёритиш учун етарлича кўмак бермайди. Шу боисдан Гулнора Маваева, Қодир Мўминов, Шоқир Аҳмедов, Қўркмас Сағатов, Назриддин Шерматов, Маъмура Эргашева, Гавхар Матёкубова ва шу каби саҳанинг етук мутахассислари, Қ.Миркаримова билан ҳамнафас фаолият олиб борган шогирдларининг ижодий хотиралари мазкур магистрлик диссертациянинг ёзилишида кўмакчи материал вазифасини ўтади.

<sup>1</sup> Каримова Р. Танцы Равии Отаджановой. –Ташкент: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1983 г.

<sup>2</sup> Каримова Р. Узбекский танцы в постановке Исахара Акилова. –Ташкент: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1987 г.

### **Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:**

Тадқиқотда Кундуз Миркаримованинг рақс санъатига кириб келиши, рақс санъати сир-асрорларини ўрганиши, ижодий юксалиш паллалари, рақс педагогикаси ва балетмейстерлик фаолияти билан боғлиқ бўлган кенг кадровли жараёнлар камраб олинган. Шу боисдан санъатшунослик, тарих, педагогика соҳалари илмига доир тадқиқот услубларидан ҳам кенг фойдаланилган. Бу ўринда солиштирув, қиёсий таҳлил, кузатув, умумлаштириш, тизимлаш, дедукция каби тадқиқот услубларига таянилди.

### **Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:**

Мазкур тадқиқот натижалари Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари ва мазкур Олий мактаб негизидаги ихтисослашган касб-хунар коллежи, ихтисослашган махсус муסיқа ва санъат мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар тайёрлашда фойдали бўлиши мумкин.

### **Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:**

Илмий тадқиқот натижалари балетмейстерлар, педагог кадрлар фаолияти учун қўшимча қўлланма вазифасини ўтайди.

### **Тадқиқот ишининг тузилиши:**

Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

**КИРИШ** қисмида магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи, тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида сўз юритилди.

Тадкикотнинг I боби “Ўзбек миллий ракс санъатида ривожланишида эътибор ва замонавий тенденциялар” деб номланган.

I боб 2 бўлимдан иборат бўлиб, унинг 1.1. бўлими “XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида ўзбек миллий ракс санъатининг бадиий кифолати” деб номланади ва мазкур бўлимда Қ.Миркаримованинг миллий ракс санъатига кириб келиши жараёнларида ижодий муҳит масаласи ўрганилди.

1.2 бўлим “Қундуз Миркаримованинг ракс санъатига кириб келиши” деб номланди. Бўлимда Қ.Миркаримованинг ракс санъатига кириб келиши ва ижодий жараёнларда тобланиши ўрганилди.

II боб “Қундуз Миркаримованинг “Баҳор” ракс ансамблидаги фаолияти” деб номланади. Мазкур бобнинг “Қундуз Миркаримова: ижро ва маҳорат пиллапоаялари” деб номланган 2.1 бўлимда Қ.Миркаримованинг профессионал ижодий жараёнлари ва унинг миллий ракс санъатидаги ўрни таҳлил этилди.

“Қундуз Миркаримова “Баҳор” ракс ансамбли раҳбари: ижодий сафарлар ва эришилган марралар” деб номланган 2.2 бўлимида унинг “Баҳор” ракс ансамблидаги раҳбарлик фаолиятидаги сахналаштирган миллий, балет ракслари ва театр сахнасида кечган даврлари таҳлил асносида ёритилди.

III боб “Қундуз Миркаримованинг балетмейстерлик ва педагогик фаолияти” деб номланади. Мазкур бобнинг “Қундуз Миркаримова балетмейстерлик ва педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 3.1 бўлимида Қ.Миркаримованинг ёшлар таълими ва тарбияси, ракс сахналаштириш амалиётига доир фикр-мулоҳазалар келтирилади.

Бобнинг “Қундуз Миркаримова ижоди тарғиботи ва замондошлар фикри” деб номланган 3.2 бўлимда оммавий ахборот воситаларида Қ.Миркаримова энг сара ракс намуналарини тарғиботи, шунингдек,

замондошлар ва шогирдларининг раққоса ижодига доир факр-молохазалари таҳлил этилади.

**Хулосада** диссертация мавзуси ёритилиши юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар берилди.

**Иловада** Қундуз Миркаримованинг илмий, ижодий фаолиятига доир фото, видео материаллар, ижро этган роллари, сахналаштирган рақслари рўйхати тақдим этилди.

## 1 БОБ. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ

### РИВОЖЛАНИШИДА АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Рақс – санъат турлари ичида энг “нозиги” ва энг жозибалисидир. Агар унинг пайдо бўлиши ижтимоий ходиса сифатида каралса, инсоният пайдо бўлган даврдан буён рақс “яшаб келаётганлигини” айтиш мумкин. Бу ўтган катта даврлар мобайнида рақс ҳар бир халқнинг яшаш шароити, табиати, меҳнат фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келганлиги тарихий манбаларда ўз исботини топган.

Рақс санъати тарихи ўрганилганда манбалар унинг сирли оламини очиб боради ва ҳар бир ривожланган жамиятда унинг ўзига хос хусусиятларини юзага чиқаради.

Ўзбек маданияти ва санъати тарихидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, диний мунасабатлар ва маданий алоқалар ўрта асрлар миллий рақс санъатини бир тарафдан тараккий этишига, бошқа тарафдан эса жиловланишига сабаб бўлди. Мазкур жараёнлар А.Темур ва темурийлар даврида ижобий хусусиятлар касб этсада, хонликлар даврига келиб диний мутаассибликлар айниқса аёллар рақс санъати таракқиётига жиддий тўсик бўлди. Бу жараёнлар XX асрнинг бошларига қадар ўзининг долзарблигини сақлаб, рақс санъати ўтмиши ва келажаги борасидаги муҳим концепцияларни умумлашгирди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Қундуз Миркаримованинг миллий рақс санъати ривожланишига қўшган хиссаси ўрганилиши назарда тутилган мазкур магистрлик диссертацияда, аввало, Қ.Миркаримованинг қандай ижтимоий-сиёсий вазиятларда, муҳитда рақс санъатига кириб келганлигини аниқроқ кўрсатиб бериш мақсадида, диссертация биринчи бобининг биринчи қисмида қисман ўзбек миллий рақс санъати ривожланиши тенденциялари ва XX аср ижтимоий-маданий ҳаётига тўхталди.

## 1.1. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида ўзбек миллий рақс санъатининг бадий кифоаси

Жаҳон халқлари санъати ва маданияти таракқиёти ва инқирози борасида умумий ва ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Умумийлик – маълум бир ижтимоий-сиёсий парокандаликлар ва ҳокимият алмашинувида юзага келувчи йўқотишлар ва ундан кейинги тикланиш бўлса, ўзига хослик – ҳар бир халқнинг истиқомат қилувчи ҳудуди, табиати ва яшаш тарзи ва диний эътиқодлари билан узвий боғлиқдир. Мана шу жиҳатлар жаҳон халқлари санъати, маданияти таракқиёти даврларини бир-биридан фарқлаб турувчи асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра гуллаб-яшнаган маданий оқимлар ён-атрофга, кўшни мамлакатлар маънавий оламига ўз таъсирини ўтказиб келади. Ўзбек рақс санъати тарихи, ривожланиш жараёнлари ўрганилганда мана шу жиҳатлар кўзга ташланди.

Тарихан маълумки, Ўзбекистон ҳудудидан топилган манбалар, археологик топилмалар, қоятош, рўзгор буюмлари юзасига туширилган рақс тасвирлари, милoddан аввалги III асрга мансуб Тупроққалъадаги рақсга тушувчи “Никоблар зали” ёдгорликлари ва бошқа бир канча топилмалар рақс санъати ўлкамизда кўп минг йиллар аввал тараккий этганлигидан далолат беради. Бу давр рақслари инсонларнинг яшаш шароити ва эътиқоди нуктаи назардан олиб каралганда, турли диний эътиқодлар, улар учун номаълум бўлган табиат кучларига сизгиниш ва майиший меҳнат жараёнлари билан боғлиқлигини ҳис этиш мумкин.

Ўзбек миллий тарихчилигида Шарку-ғарбни боғлаб, милoddан аввалги II асрдан мелодий XVI асргача амалда бўлган 12 минг километрлик Буюк ипак йўли ўлка иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўрин тўтганлигини кўриш мумкин. Ипак йўлининг Андижон, Поп, Хўжанд, Жиззах, Зомин, Самарканд, Бухоро, Ромитон, Термиз сингари қадимий шаҳарларимизни боғлаб ўтганлиги мазкур ҳудудларда муҳим маданият ўчоқларини юзага келтирди, ўлка аҳолиси маданияти ва санъати

талқаро майдонга чиқишида катта аҳамият касб этди. Бугунги таҳлиллар ўзбек ва уйғур халқлари меъморчилиги, яшаш тарзи, рақс санъатидаги ўзвийликлар, кўпгина ўхшиш жиҳатлар мана шу маданий алоқаларининг самараси эканлигини кўрсатиб беради.

Ўрта асрлар тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур даврида жамиятнинг барча ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тармоқлари сингари рақс санъати ҳам тараккий этган. Манбалар XV-асрнинг иккинчи ярмида ва XVI-аср бошларида Сайид Бадр, Тохир чакка, Мохчучук, Мақсудали, Катта моҳ, Кичик моҳ лақабли раққослар эл орасида машхур бўлганлигидан далолат беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида юртимиз раққосларининг доврғини қайд этиб ўтади. Амир Темур авлодларининг тахт талашуви, ўзаро урушлар ҳар томонлама чуқур инкирозини юзага келтириб, ўлкага бошка қучларнинг кириб келишига йўл очиб берди. Мавжуд жараёнларнинг тобора мураккаблашиб, ўлка Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиқларига бўлиниб кетиши халқ маданий ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборди. Амирлик ва хонлиқлар ўртасидаги ўзаро мол-мулк, ер талашини халқ маданий ҳаётини бутунлай издан чиқариб, санъатнинг, жумладан рақс санъатининг инкирозига сабаб бўлди. Шунингдек, кўпгина можороларга сабаб бўлувчи диний мурасасизликлар мавжуд ҳолатни янада танг аҳволга олиб келди. Натижада аёллар рақси хуфёна, маълум бир гуруҳларда ижро этилар, эркеклар рақси эса халқ томонидан севиб томоша қилинсада, раққослар ҳақоратлар гирдобидида яшашга маҳкум бўлди.

Ўлкамизнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан истило қилиниши оқибатида юзага келган вазият мавжуд муаммоларни янада оғирлаштирди. Бир томондан ҳукмрон ҳокимият халқ ҳуқуқларини чекласа, ўз ўрнида маҳаллий аҳоли ҳар қандай маданий янгиликларни “бегона” билиб, тўсиқларни қучайтирди. Рақс санъати ҳам кўп чекловларга рупара бўлди. Маҳаллий халқ аёллар иштирок этмайдиган

санъатларгагина хайрихоҳ бўлди. Бу давргача ва XX асрнинг бошларига келгач аёллар рақсларини ижро этувчи махсус ёш ўйинчи-эркаклар фаолият олиб борган. Мавжуд манбалар амир ва хон саройларида катта ҳажмдаги санъиёт ва санъат – шеъринг, мусика, рақс гуруҳлари мавжуд бўлганлигини инкор этмайди, аммо тўйларда, халқ сайлларида, кўча томошаларида асосан эркак раққослар фаолият олиб борган. 8-10 ёшидан бошлаб 4-5 йил давомида аёллар рақс услубларини ва юришини, ҳаракати ва ҳолатини ўрганган раққослар Хоразм хонлигида “ўғлон бола”, Бухоро амирлигида “бачча” деб аталган бўлиб, улар тўй ва базмларда маҳоратли рақс намуналарини ижро эта олган. Кўп ҳолларда бу раққослар аёллар сингари ҳаракат ва одатларга ўрганиб қолганлиги боис, ҳақорат ва танашнонларга чидашга мажбур бўлган. Бу раққослар ҳолатни, ички, рухий кечинмаларини ҳам рақсда ифодалашга эриша олган. Улар аёллар либосларида, аёлларга хос пардоз-андозда, қошлари терилган ҳолда рақслар ижро этишган. Шу боис гоҳо ташқи киёфадан ҳам, рақсидан ҳам уларни аёллардан фарқлаб бўлмаган. Истеъдодли рассом Карахан ижодида мазкур раққослардан портретлар ишланган бўлиб, ундаги юз-киёфалар юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлайди.

Бугунги кун санъатшунослигида давр тақозоси юзасидан ташкил этилган эркак раққосларнинг фаолияти бесамар кетмади, деб ўрганилади. Тўғри, бир тарафлама мазкур раққослар фаолияти ўша вақтдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий рақс меросимиз кейинги давр вакилларига етиб келшида, XX асрга келиб эркак ва аёл рақслари фарқланишида, ҳаракат ва ҳолатларни қайта тиклашда ёрдам берган бўлсада, мавжуд жараёнлар бир талай маммоларни ҳам юзага келтирдик, бу бугунги давр рақс санъатига ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб келмоқда. Яъни, кейинги даврларда эркаклар рақси борасида сақланган салбий фикрлар унутилмади. Орадан асрлар ўтсада, ўзбек миллий эркаклар рақси борасида юзага келаётган муаммолар санъатшунос

алимлар томонидан ҳамон тадқиқот майдони сифатида кенг ўрганилиб, кадрлар масаласидаги мавжуд етишмовчиликлар юзага келаётганлиги бот-бот таъкидланмоқда. Ўз ўрнида аёллар рақсларининг таъқиқланиши, натижада, чекка-чеккаларда, хуфёна ўтказилган рақс кечалари ҳам даврий муаммо сифатида қаралди.

1929 йили Нурхоннинг мутаассиблар томонидан ўлдирилиши ҳам бежиз эмас. Бу мавжуд вазиятда халқ орасида рақс санъатига бўлган салбий фикр-мулоҳазаларнинг натижаси эди. Шу ўринда бир савол туғилади: Хўш, “Ўғлон бола”, “Баччалар рақси” бўлмаганда XX асрга келиб аёллар рақсининг қайта тиклангишида қандай муаммолар бўлар эди?. Аёллар рақси билан боғлиқ маданий кадриятлар йўқ бўлиб кетармиди?. Бу каби саволлардан кўп келтириш мумкин, аммо, мавжуд вазият синовдан ўтмас экан, барча фикрлар илмий фарозлигича қолаверади. Аммо, айтиш мумкинки, ўзбек анъанавий театр санъати томонидан тузилган труппа корфармонлари ҳам рақс санъати билимдонлари бўлишган. Инчунун, “Мухаммад Солих Бидиёршум Фарғона водийсида анъанавий театр – кизикчилар мактабини яратган ва унга корфармонлик қилган машҳур санъаткор, Кўкон хонларидан машҳур шоира Нодирабегимнинг эри Умархон (1787 - 1822) ва унинг ўғли Мухаммад Алихон (Мадалихон, 1810-1842) даврида яшаб ижод қилгани, кизикчилик пьесалари яратгани, шеърлар битгани, рақс билимдонни, созанда экани, ўзи ва труппаси халқ ва сарой эътиборида бўлгани маълум”.<sup>1</sup> Шунингдек, XIX аср ўзбек анъанавий театрининг йирик вакилларидан бири, кўконлик Рустам меҳтарнинг<sup>2</sup> ўғли Зокир эшон (1824-1898), корфармон Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869-1959) сингари масхарабоз ва кизикчилар, хонанда ва созандалар, раққослар

<sup>1</sup> Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. Тошкент: “Фан”. 1968 й. 67-69 б.

<sup>2</sup> Санъатда созандалар гуруҳининг бошлиғи меҳтар деб аталган. Одатда меҳтарлик қилган созандалар сурнай, карнай, ногорани маҳорат билан чалиш қобилиятига эга бўлганлар.

бутун Туркистон худудида фаолият олиб борган ва жамоатчилик ва халқ орасида уста ва устод сифатида ҳурмат қилинганли маълум.

Театршунос олим М.Рахмонов “Юсуфжон қизик санъатдаги билим ва ҳунарини устозлари ва халқ театрининг асрий анъаналари асосида давом эттириб, саноксиз халқ пьесалари, кўшиқлари, шашмаком йўллари, доира ва ногора усуллари, “Катта ўйин”, умуман халқ рақсларини эгаллашдан бошлайди”<sup>1</sup>, деб ёзиб қолдирар экан, бошқа манбаларда унинг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Шарқий Туркистон – Қашқар, Ғулжа, Ёркент шаҳарлари ва Санкт-Петербургда (1909) ижодий сафарларда бўлиб, ўз концерт томошалари, рақслари билан ҳурмат қозонганлиги кўриш мумкин. Бу каби ўзбек анъанавий театр томошалари корфармонлар томонидан бошқарилиб, ҳеч қандай драматургик асосга эга бўлмас, бадиҳагуйлик асосида иш олиб борган. Репертуарнинг асосий қисмини “Виктор бойнинг намозга бориши”, “Торозибон”, “Элликбоши сайлови”, “Сайдазимбойнинг Маскоп сафари” сингари сатирик руҳдаги танқидий асарлар эгаллар, томошалар турли халқ ўйинлари билан бойитилар эди. Бундай кўча томошаларида қози ва амалдорлар, зулмкор ҳукмдорлар фаолияти қаттиқ ҳажвга олинган. Шу боис бўлса керакки, мазлум халқ учун бу каби кўча томошалари жуда қадрли бўлган. Ўз ўрнида бу каби томошалар ва анъанавий театр замирида рақс санъати яшаб келган.

Анъанавий театр санъати билимдони, корфармон (бугунги кунда ушбу атамани режиссёр атамаси билан тенглаштириш мумкин. Тах. Ч.Дж.) Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг “Ўзбек рақс маликаси” (1913-1978 й.), Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мукаррама Тургунбоевага устозлик қилганлигини ҳисобга олсак, аёллар рақсларини мукамал билган, миллий рақс хусусиятларини англаган устозларнинг халқ орасида ҳармат қозонганлигини билиш мумкин. Мазкур фактлар рақс санъатига

<sup>1</sup> Рахмонов М. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент: “Фан”. 1968 й. 156-157 бетлар.

Билан муносабат унинг халқ орасида майиший томоша сифатида қолганлиги билангина изоҳланиши тўғри бўлади.

XX асрда Европада ракс таракқиёти ўз чўккисига чиққан, энг сара намуналари билан жаҳон халқлари орасида хурмат қозониб улгарган эди. Яна бир жиҳат, Туркистон ўлкаси халқлари мастамлакачилик сиёсати сиёсатида дунё маданий оламидан бутунлай ажралиб қолганлиги мавжуд муаммолар ечимига йўл топишга имкон бермаган.

Мавжуд қаршиликлар ва тайзиклар бўлишига қарамай XIX аср иккинчи ярмида халқ орасида фаолият олиб борган раққосалар “ичкариларда” “анор ўйин”, сайлларда “гул ўйин”ни ижро этиб келган.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ўлкамизга “рус театри” номи билан профессионал кўрinishдаги театр санъати, драматургияси ва сахна маданияти кириб келганлиги раққос санъати таракқиётида ҳам туб бурилиш ясади. Махсус бино, ўриндиклар жойлаштирилган томоша зали, пардалар воситасида очилиб-ёпиладиган томошахона ўзига хос маданият олиб қирар экан, мазкур жараёнлар халқ тушунчасини ўзгартиришга катта хизмат қилди. Бундай томошахоналарда актёр, режиссёр, рассом, созанда аҳли ва балетмейстер бошқарувчиларидан ташкил топган ижодий жамоа Туркистон ҳаётига бутунлай бегона жараён сифатида кириб келди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, профессионал театр “рус театри” номи билан оммалашиб, бу ерга кўчириб келтирилган русийзабон аҳоли – рус зодагон ва зиёлилари, ҳарбий хизматчилари, аскарлар ва турли хунар эгаларидан ташкил топган Россия фуқароларига хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Бироқ, маърифатпарварларимиз бу театрнинг авфзал тарафларини тезда пайқаб, уни уни халқ орасида оммалаштиришга ҳаракат қилди. Бу борада Фуркатнинг “Неча маротаба театр номли русия халқининг томошахонасига бориб, андаги уюн-таклид тартибларини кўрдим. Аларнинг кўрсатган томошаси – хунарлар бизнинг

Харабозидек махз (ёлгиз) – (Т.Т.) кулгу учун эмас экан, балки ибрат экандур. Бу тариқадаким, ўтган замондаги одамларнинг ахволини ва турган тирикчиликларини ва ул мардум ароларида бўлгон муомалаларни элид килиб кўрсатур экан ва баъзи кулгулик ўюнлар бўлса борганлар эдин ҳам ибрат ва ҳам хурсандлик истифода қилур эканлар. Ул томошахона катта бир олий иморат ўлиб, анда эркак ва хотунлар келиб аммалари курсида яхши одоб тутиб ўлтурар эканлар. Бу сабабдин анда ўтлик ўюн ва ўтлик сўз мутлако бўлмас экан”<sup>1</sup>, дейди. Ўз замонасининг стук олимининг театр санъати ва ракс ҳақидаги юкоридаги фикрлари замона кишиларининг онгига яхши таъсир ўтказганлигини билиш мумкин.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тарқалган жадиждчилик ҳаракати ҳам маърифатпарвар олимларимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Унга кўра ижтимоий жаҳолат ва қолокликнинг ҳар қандай кўринишига қарши бориб, ўрни келганда “рус-тузим” мактабларининг авфзаллигини, таъкидлаб, янги мактаблар очиш, газета ва журналлар нашр эттиришни ва уларни аҳолининг кенг катламларига етказишни тарғиб этди. Аҳолининг саводли бўлиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини кун келиб талаб этишига умид боғланилди. Кўзланган бош мақсад эса кун келиб эришиладиган озодлик бўлган, дейиш мумкин.

Маърифатпарварларимиз ўз даврида яхши амалий фаолият олиб борган. Жумладан, Турон театр труппасининг очилиши, Махмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш, ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” номли пьесаси сахналаштирилиши ҳам янгича ҳаётга, янгича яшашга ундовчи, саводсизликни кораловчи миллий фожеа асар эди. Унда саводсизлик иллоти халқ ва миллат бошига сўнгсиз кулфатлар келтирилиши бир хонадонда кечадиган воқеалар замирида жуда жонли, аниқ ва ишонарли тарзда очиб берилган.

<sup>1</sup> Турсунов Т. Ўзбек театр тарихи. –Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2008 й. 24-25-б.

Карам-қаршиликларга карамасдан даврнинг дин илмида ҳам, ~~миллий~~ билимларда ҳам саводи баланд тошкентлик Мунаввар кори ~~Миррашидхонов~~, самарқандлик шаҳар муфтиси Маҳмудхўжа Бехбудий ~~ва~~ зиёлилар халқ орасида ижтимоий фирни ўзгартиришга муваффақ ~~қилди~~. Профессинал театр санъати анъанавий театр замирида тезда ўз ~~истикбол~~ йўлини белгилаб олар экан, ўз ўрнида ўзбек миллий ракс санъати ~~традиция~~сида ҳам катта ижобий роль ўйнади. Маърифатпарварларимиз ~~ракс~~ санъати истикболи борасида ҳам жиддий бош қотира бошлашди.

Маннон Уйгур раҳбарлигидаги Ўзбек давлат театрида миллий ~~анъанавий~~ театр унсурларини ўзлаштириш ва замонавий театр санъатини ~~ривожлантириш~~ (1921-1927), М.Қориёқубов раҳбарлигидаги Ўзбек ~~концерт~~ этнографик ансамблида (1926-1929) ўзбек миллий ракс – “Қатта ~~Уйин~~”, аёллар ракслари, лапар санъати услубларини қайта сахналаштириш ва ракс илмини ўзлаштириш ишлари кенг қулоч ёзди. Унга уста Олим Қомилов ҳамкорлигидаги ижрочилар яқиндан ёрдам берди. М.Қориёқубов Тамарақонимнинг ўзбек қўшиқлари, лапар ва раксларини ўзлаштириш ва ~~ижро~~ этишида шахсан устозлик қилди.

Театршунос олим Тошпўлат Турсуновнинг таъкидлашича, “ўзбек масҳарабоз ва қизиқчилик санъати халқ анъанавий театрининг бир қўриниши сифатида ХХ асрга қадар яшаб келди. Унинг халқчил бой хазинаси миллий маданият меросни ўрганишда ибрат ва замонавий санъат турларидан янги театр, цирк, ракс сингариларни ривожлантиришда бебаҳо манба вазифасини ўтади”.<sup>1</sup>

Тошкентлик Қенжабой Турсунов, Мулла Шобарат Шосолиқов, бухоролик Уста Тожи Собиров, Михалқоним Қаймова, Биби Ширин Маманова, қўқонлик Маҳкам ҳофиз, Қомолқон Муҳаммаджонова, Қумриқон Қамдамова, наманганлик Усмон ҳожи Қозилқоев, Шарофат яллаци, андиқонлик Мамақонхўжа Усмонхўжаев, фарғоналик

<sup>1</sup> Турсунов Т. Ўзбек театр тарихи. –Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2008 й. 22-б.

Бадирхоним, хоразмлик Оллоберганов, Сафар Муганний, маргилонлик Остхўжа, Қимматхон Султонбоева сингари раққос ва раққосалар ҳам XX асрнинг 20-30 йилларида жойларда рақс санъати амалиёти билан шуғулланиб, халқ орасида ном чиқарганлиги ҳақида санъатшунос олима Лавдеева маълумотлар ёзиб қолдирган.

Бир сўз билан айтганда, XX асрга келиб рақс халқ ўйинларидан келиб, мустақил, сахна санъати сифатида шаклланиш йўлидан боради. Бу шаклланиш жараёнига Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869-1959), Уста Олим Комилов (1875-1953), Муҳиддин Қориёқубов (1896-1957), Тамарахоним (1906-1991), Мукаррама Турғунбоева (1913-1978), Исохор Оқилов (1914-1988), Розия Каримова (1916-1996) Қундуз Миркаримова (1925) сингари рақс фидойиларининг хизматлари катга бўлди.

## 2.1. Қундуз Миркаримованинг ракс санъатига кириб келиши

Ўзбек миллий ракс санъати жараёнларида ХХ асрга келиб янги саҳифа очилди. Бу аввало мамлакатимизга профессионал театр санъатининг кириб келиши билан боғлиқ. Янги ижодий жараёнлар театр санъати замирида минг йиллар давомида халқ байрамлари, оммавий томошаларида, тўй ва маросимларида авлоддан-алодга мерос бўлиб ўтиб келаётган халқ раксининг профессионал сахнавий ракс сифатида янгидан яратилишига, ансамбллар фаолиятининг шаклланишига олиб келди. Тамарахоним, Исохор Оқилов, Мукаррама Тургунбоева, Галия Измайлова, Розия Каримова, Қундузхон Миркаримова, Раъно Низомова, Тамара Юнусова, Дилором Шерова сингари ракс билимдонлари мазкур жараёнларда бош-қош бўлди. Кейинги авлод бўлган ижодкорлар — Равшаной Шарипова, Валентена Романовалар мазкур ижодий жараёнларни ривожлантириб, ҳар бири ўзига хос бадий услублар барпо этди. Улардан сабоқ олган Ҳалима Комилова, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Вилоят Оқилова, Маъмура Эргашева, Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Дўстмухаммедова, Малика Аҳмедова, Гулчеҳра Фозилжонова, Ўғилой Муҳаммедова, Гавхар Мағекубова, Зиёда ва Насибахон Мадрахимовалар, Гулнора Жўраева, Гулнора Низомова, Светлана Турсунова, Лола Оқилова, Дилбар Юнусова, Рушана Султонова, Феруза Солихова, Гулсара Раимова, Моҳичеҳра Исломова, Нодира Ўрозова, Дилором Шукуржонова, Муяссар Сотволдиева сингари ракс санъати намояндалари борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос усулларда ракс ижро этиб, ракслар яратди. Устоз санъаткорлар яратиб берган бадий меросни сайқаллаб, янги марраларга олиб чиқди. Мазкур ижодкорлар орасида ўзига хос, такрорланмас ижодий ўрнига эга ҳам раккоса, ҳам балетмейстер, ҳам педагог Қундуз Миркаримованинг ўзбек миллий ракс санъати таракқиётга қўшган хиссаси бекиёс бўлди.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан санъат ва маданият соҳалари, хусусан, ракс санъати таракқиётига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз

Унда соҳада ҳам амалий, ҳам назарий томондан олиб борилиши керак. Тан ишлар кўламини кўрсатиб беради. Амалий натижаларни таққилтириш эса, аввало рақс санъати тарихи ва назарияси масаласини кенг тадқиқ этишни таъқозо этади. Зеро, юнон файласуфи – биринчи муаллим Аристотель айтганидек, тарихни ўрганмасдан назарияни, назарияни ўрганмасдан санъат истикболини белгилашнинг имкони йўқдир. Шу билан ўзбек рақс санъати таракқиёти жараёнлари тадқиқ этилиши, унда Қундуз Миркаримова ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти ўрганилиши назарда тутилар экан, бу жараёнларда ижодкор шахс ҳаёти ва ижодини ҳам тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади. Зеро, Қундуз Миркаримова ҳаёти ўзбек рақс санъати тарихининг бир бўлаги бўлиб, унинг ҳаёт йўлларида рақс санъати билан узвий ҳамбарчас жараёнлар талайгина. Аниқроқ қилиб айтганда, Қ.Миркаримова ҳаёти ўзбек рақс тарихининг бир бўлаги ва муҳим бўғинидир. Шунингдек, бугунги кун рақс санъатшунослигида улкан ижодкор маданияти жамоат фикри доирасига нафақат у яратган санъат асарлари билан кириб келиши, балки унинг шахсияти, тақдири ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада, Қундуз Миркаримованинг ижодий фаолияти, унинг ижролари, саҳналаштирган рақслари, педагогик услублари ва ҳаётининг кечмишлари катта аҳамиятга эга.

Айтиш мумкинки, Қ.Миркаримованинг рақс оламига кириб келиши катта воқеадир. Айнан унинг ижодий мероси бугунги кун рақс мактабларининг таракқиёти ва назариясида, энг муҳими, М.Туругунбоева яратиб берган ўзбек миллий рақс меросининг авлодларга тўғри ва бой бадиий умумлашмалар билан етиб боришида катта аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Қ.Миркаримованинг ҳаёт йўлига назар солганимизда оилавий муҳит, оила тарбияси унинг санъат оламига кириб келишига асосий омил бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон халқ артисти, маҳоратли раққоса ва балетмейстер, фахрий профессор ва тажрибали педагог Қундуз Миркаримова ўзининг

болалиги ва санъат оламига кириб келиши хақида шундай хотирлайди: “Мен уч киз ва уч ўғил ўсган, серфарзанд оилада туғилганман. Улар орасида санъатга қизиқувчилар бўлмаган. Оиламиздагиларнинг айтишича, фақатгина мен мусиқа янграши билан унинг оҳангига кўлларимни, оёқларимни ўйнатиб раксга тушиб кетаверар эканман. Болалик хотираларимда ҳам ракс мен учун янги, сеҳрли бир олам сифатида мени ўзига мафтун этарди... Ўша даврларда вақти келиб санъат оламига кириб келишимга ва бу оламда хурмат ва эҳтиромга эришишим, ўзбек ракс санъатини бутун дунёга олиб чиқишда ўзимнинг муносиб хиссамни кўйишим мумкунлиги хақида ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Ҳатто, ракс санъатнинг нозик ва гўзал, шунинг билан бирга, мураккаб томонлари хақида тасаввурга эга эмаслигим ҳам аниқ эди. Бизнинг оилада санъаткорларнинг йўқлигини ҳисобга олсак раксга бўлган иштиёкни аждодга боғлаш ҳам тўғри эмас. Аммо оилам мени бу қизиқишларимга ўз вақтида эътибор қаратгани, кўллаб-қувватлагани менинг хаётимни тўғри йўлга бошлашга катта имкон берди, деб ўйлайман. Махаллада савдо қилиб юрувчи лўлилардан онам чилдирма сотиб олганлигини ва менга куйлар чалиб берганлигини эслайман. Мен ўша даврларда чилдирмада чалинган куйга бутун вужудим билан ракс тушардим”.<sup>1</sup>

Қ.Миркаримова Тошкентда 1928 (1925)<sup>2</sup> йили таваллуд топган. У таваллуд топган даврда Самарқанд мамлакат пойтахти бўлсада, аста-секинлик билан Тошкент ижодий жараёнлар марказига айлана бораётган эди. 1930 йилда собиқ шўра ҳукуматининг бошқаруви учун қулай бўлган Тошкентнинг пойтахт сифатида белгиланиши унинг нафақат маъмурий, балки ижодий-маданий марказ сифатида ҳам ўлкада кенг имкониятларга эга бўлишини белгилади. Бу даврга келиб миллий театр санъатининг “оёққа туриб олганлиги”, балки у халқ маънавий оламининг ажралмас қисмига ҳам айланиб улгурганлиги маданий муҳитни анча юмшатган эди.

<sup>1</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган субатдан. 2018 йил, 2-март

<sup>2</sup> Айрим маълумотларда Қ.Миркаримованинг 1925 йилда таваллуд топганлиги айтилади.

Театр санъати асосида ракс ривожини учун ҳам имкониятлар кенгайраётган эди. Шиллернинг “Макр ва мухаббат”, Бичер Стауннинг “Том амаки хужраси” ва шу каби жаҳоннинг фожеа ва турли эртақ жанрларидаги сахна асарлари кўйилиб, маданий ҳаётда маънавий-ижтимоий муҳит ўзгаришига олиб келди. Бу даврга келиб ракс санъатида каттагина муваффақиятларга эришган Тамарахоним балет мактабига асос солган ва бир қанчи иқтидорли ёшларни тарбиялаётган эди. Қ.Миркаримованинг болалаги мана шу даврга тўғри келди.

“Менинг ракс санъатига бўлган қизиқишимни онам англаган ва Тамарахоним томонидан ташкил этилган ракс мактабига етаклаб келган. Бу 1937 йилларга тўғри келади. Мавжуд вазиятларга қарамадан онамнинг бу ишини чинакам қаҳрамонлик деб биланман”<sup>1</sup>, дейди Қ.Миркаримова. Дарҳақиқат, бу даврларда ракс санъати халқ орасида анча оммалашиб, санъат сифатида ўз ўрнига эга бўлган бўлсада, мазкур санъатга бўлган эски қарашлар бағамом йўқ бўлмаган, кизларнинг уй ичкарасида тарбияланиши одатий ҳол эди. Уларнинг ракс санъати билан жиддий шугулланишини анъаналарга тамоман ёт ҳодиса эди. Ҳатто бу даврларда кизларнинг ракс тушиши, театр сахнасида роллар ижро этиши, омма олдида ўзини намойиш этиши халқ томонидан қабул қилинмас эди. Нурхоннинг жохиллар томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши (1929 й.) хотираларда ўчмас из бўлиб қолган эди. Шу сабабли кўпгина театр асарлари ижросида аёллар ролларини эркак актёрлар аёлларга хос кийиниб, гримдан фойдаланиб ижро этар, бу ҳол ҳам кучли танқидларга учрар эди. Бирок даврнинг ижтимоий жараёнлари давомида санъатга, хусусан, ракс санъатига бўлган қаршиликлар секин-аста унутила бошланди. Бу пайтларда Қ.Миркаримова В.Н.Губская кўлида “Классик ракс” сир-асорларини ўрганаётган эди.

“Она мени Хореография билим юртига олиб борганида ўзбек ракс гуруҳига ўқишга беришни хоҳлаган. Аммо ўша даврларда ўзбек раксини

<sup>1</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган суҳбатдан. 2018 йил, 2 март

ўрғатадиган гурухлар бўлмаган. Шундай бўлсада улар мени текшириб кўриш мақсадида рақсга туширишган. Мен ўз билганимча, гир айланиб рақсга тушган эканман. Балким, менинг рақсга бўлган иштиёкимни сезганми, ўшанда Уста Олим Комиловнинг рафикалари Бегимхон ая мени В.Н.Губскаянинг қабулига олиб кирган. Шу даврдан бошлаб мен рақс мактабида таҳсил олишни бошлаганман. Биз яшаётган жой мактабдан узок бўлганлиги боис манга ётоқхонадан жой беришган.”<sup>1</sup>

Хореография билим юртида таълим олиши – Қундуз Миркаримованинг ҳаётида янги давр бошланганидан дарак берарди. Бу жой айни вақтда Тошкентдаги ягона ихтисослашган рақс мактаби бўлиб, бу ерга тез-тез Тамарахоним, Мукаррама Тургунбоева каби рақс санъатининг етук вакиллари келиб туришар, бу ўз навбатида мактаб тарбияланувчиларига завқ-шавқ ва соҳага бўлган муҳаббатни янада алангалатишга хизмат қиларди. Бироқ, XX аср инсоният бошига сўнгсиз кулфатлар келтирган Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, жамиятнинг бир қанча тармоқлари қаторида таълим тизимига ҳам салбий таъсирини ўтказди. Бу йилларда рақс мактаби ҳам ёпилаб, ўқишни битириш кўпгина рақс ихлосмандлари сингари Қундуз Миркаримовага ҳам насиб этмайди. Тамарахоним балет мактаби ёпилганидан сўнг Қундуз Миркаримова бу давргача анчагина тажрибага эга бўлган Янгийўл мусиқали драма театрига боради ва ўз фаолиятини бошлайди. Унинг мазкур театрдаги фаолияти 1943-1946 йилларга тўғри келади.

Уруш йилларида фронтдан жароҳат олиб, госпиталларга жойлаштирилган ярадор жангчиларга концерт кўйиб бериш театр жамоасининг асосий иш фаолиятига айланди. Қ.Миркаримова уруш тугаб, хореография билим юртида ўқиш тиклангандан сўнггина таълимни давом эттиради ва тугаллайди. Қ.Миркаримованинг кейинги фаолияти Муқимий номидаги мусиқали ва драма театрида давом этади.

---

<sup>1</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган суҳбатдан. 2018 йил, 2 март

Қ.Миркаримова “Янги йўл театрининг бутун коллективи билан поссовет театрига, Тошкентга келдик. Бир йил ишладик. Ўшанда 1948 йил эди. Негадир поссовет театри 1948 йилда Муқимий театрига кўшиб юборилади. Ўшанда жуда профессионал хонанда, созанда, ашулачилар Муқимий театрига йигилган эди. Ўзбекистон халқ артисти Вера Неколаевна Губская мазкур театрда “Сухайл ва Мехри” балетини сахналаштирган эди. Ражаб Тангриев партниёрлигида Мехри ролини ижро этдим. Бу менга билдирилган юксак ишонч ва эҳтиром эди. Бу катта сахнадаги илк образим эди. Аввало, мазкур театрда балет сахналаштирилиши кўпчилик раққосаларнинг эътиборини тортган ва менга юкланган вазифа кўпчиликнинг диққат марказида бўлиши ҳам аниқ эди. Муסיқали комедия театрида бундай воқеа бўлмаган эди. Рақс санъатининг машхур намоёндалари Галия Измаилова, Муқаррама Турғунбоеваларнинг биринчи каторда ўтириб кузатишлари албатта кучли хаяжон ўйготди... Либретто Камтар Отабоевники эди. Балет муваффақиятли чиқди. Муқаррама Турғунбоева сахнага чиқиб ҳаммамизни табриклади ва ижодий парвозлар тилади”, дейди, ўтган даврларни ёдга олган Қ.Миркаримова.

Қ.Миркаримова фаолиятида унинг 1949 йилда Бернара Кориева, Клара Юсупова, Фотима Носирова, Ҳалима Комилова, Гулнора Маваева Ражаб Тангуриев, Омон Назруллаев сингари рақс фидойилари билан давлат кўмагида Москвага, катта театр қошидаги хореография билим юртига ўқишга бориши катта аҳамият касб этди. Қундуз Миркаримова бу ерда Мария Алексеевна Кожухова раҳбарлигида уч йил давомида балет санъати сирларини ўрганар экан, турли миллат вакиллари билан йигилган курсдошлари билан ҳамкорликдаги машқлар рақс санъати борасидаги билимларини мустаҳкамлашга, қардош халқлар рақслари ва миллий рақсларни ўзига хос хусусиятларини англашга кенг имкон берди. Бу Қ.Миркаримовнинг кейинги Алишер Навоий номидаги Опера ва балет

театридаги фаолиятида катта аҳамият касб этди. Мазкур театрдаги фаолияти 1951 йилларга тўғри келади. Айнан мазкур театр Қ.Миркаримова ҳаётида янги ижодий паллалар ва катта ўзгаришлар бошлаб берди.

Бу даврда эл-юрт олдида хурмати баланд, соҳасининг етук устаси Мукаррама Турғунбоева ҳам Катта театрда фаолият юритар эди. Унга ихлоси баланд бўлган Қундуз Миркаримова астойдил Мукаррама Турғунбоеванинг изидан боришга, унинг ижроларини жон бериб кузатишга, насихатларига амал қилишга одатланди. Нағижода унинг ҳаётида табиий бурилиш ясаган воқеа рўй беради, у “Баҳор” ракс ансамблига таклиф этилди.

Қундуз Миркаримова ўзининг барча муваффақиятларида, ракс тушиш ва сахналаштиришнинг мураккаб сир-асрорларини ўрганишда устозлари Наталья Губская, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Гавҳар Раҳимовалар кўмаги катта эканлини бот-бот айтиб ўтади. Ва албатта, айтиш ўринлики, Қ.Миркаримованинг кейинги ижодий фаолиятида оиласи кўмаги катта бўлди. У 1953 йилда Ҳамид Раҳимов билан оила қуради. Ҳ.Раҳимов санъат фидойиси эканлиги, Қ.Миркаримовани доимий меҳнатга дават этиши, унга ёрдам бериши аҳамиятли ҳаётӣ туртки бўлди.

Қундуз Миркаримова ҳаётида мураккаб вазиятлар, йўқотишлар ҳам бўлиб, тушкун аҳволда қолган кунлари ҳам кўп бўлди. Унинг битмас қалб жарохати – кетма-кет йўқотишлар кейин аҳволга солиб қўйди. Жумладан, у 1977 йили турмуш ўртогидан бевақт ажраб қолади. Қ.Миркаримованинг турмуш ўртоғи Ҳ.Раҳимов санъатнинг ҳақиқий ихлосманди, балки, бутун ҳаётини санъатга бахш этган инсон бўлган. Ҳ.Раҳимов 1962 йилга қадар “Баҳор”да фаолият кўрсатиб, кейин Консерваторияга раҳбар бўлиб ўтади. Икки ўғил ва бир қиз тарбиясида меҳнат қилади.

1978 йили устози Мукаррама Турғунбоеванинг вафоти Қ.Миркаримова ҳаёт саҳифасининг оғрикли нуқталаридандир. Бироқ, бу омадсизликлар шу билан барҳам топмайди. Бир ўринда Қ.Миркаримова: “...лекин ҳеч нарса инсонни фарзанд доғидек азобламас экан. Қизим, раҳматли Маъмура ҳам отаси сингари мусикачи эди... Венгрияга конкурсга қатнашишга бордию, касал бўлиб қайтди. Унинг дардига даво тополмадик. Ўзимни кўп йиллар кечиролмай юрдим. Балки, фарзандларимга яна ҳам кўпроқ эътибор беришим керакмиди”<sup>1</sup> деб, жигарбандини хотирлар экан, шу аснода унинг кўзларидан ёшлар шашқатор бўлар, бу кўзлардан ортга қайтмас даврлар дарду-азобини кўриш мумкин.

“Ғам-армон ҳам қўша-қўша келаркан, яна дилхираликлар давом этди. Кечалари турли кўнгироклар безовта кила бошлади. Ҳар гал мени кўрқитар, ишдан кетишга ундарди. Ҳатто ҳаётимга ҳам таҳдидлар қиларди. Охири бу таҳдидлардан бешиб вазирликка чиққанимда парво қилмай ишлайверинг дейишди. Аммо ярим йил ўтар-ўтмас вазир чакириб ишдан бўшашга ариза ёзишим кераклигини, менинг жойим катта лавозимдаги бир раҳбарнинг қариндошига керак бўлиб қолганлигини яширмасдан айта қолди. Юқоридан шундай буйруқ бўлган экан. Кетма-кет давом этган йўқотишлар мени кийин аҳволга солиб қўйди, аммо ўзимни тутишга, ҳаракат қилдим. Тўғрида, 45 йиллик фаолиятимни муносиб тақдирлаш ўрнига бундай муносабат. Ҳатто тасаввур қилиш кийин эди. Ахир “Баҳор” ансамблига раҳбарлик қилган йилларимда қанчадан – қанча дастурлар ишлаб чиқдим, қанча рақсларни саҳналаштирдим...”<sup>2</sup>

Қундуз Миркаримова нафақат маҳоратли раққоса, балетмейстер, балки, давр юқини ўз елкасига ололган, меҳнатқаш, заҳматқаш инсон сифатида қахрамонлик кўрсатди. Бу йўқотишлар руҳан эзсада, қаддини дол қилмади: чидам ва сабот билан ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди, Хореография билим юртига ишга кирди. Ёшларга рақснинг сир-

<sup>1</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган суҳбатдан. 2018 йил, 2 март

<sup>2</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган суҳбатдан. 2018 йил, 2 март

асрорларини ўргата бошлади. Бу йилларда унинг кўлида тарбия олган шогирдлари ҳам улкан ютуқларни кўлга киритди. Жумладан, Ўғилой Муҳамедова, Света Турсунова, Гавҳар Аминова, Қизлархон Дўстмухаммедова, Малик Аҳмедова кабилар Ўзбекистон халқ артисти, Гулчеҳра Жўраева, Зулаёҳо Асамова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Юлдуз Исматова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби сингари мамлакатимизнинг етук унвонларига сазовор бўлган. Буларнинг барчаси Қ.Миркаримованинг нафақат санъат устаси, балки инсоний фазилатларининг ҳам юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Қундуз Миркаримованинг рақс санъатидаги улкан меҳнати ҳар бир даврда муносиб тақдирланиб келинган. Жумладан, 1966 йилда “Ўзбекистон халқ артисти”, 1984 йилда “Халқ артисти” унвони билан тақдирланди.

Давлатимиз мустақилликга эришиб, соҳа ривожига кенг эътибор берила бошланди. Қундуз Миркаримованинг ҳам меҳнатлари инобатга олиниб, унга 1994 йилда “Мукаррама Турғунбоева” мукофоти, 1997 йилда “Дўстлик” ордени ҳамда 1998 йилда “Ўзбек рақсининг профессори” фахрий унвони берилди.

Қундуз Миркаримова фарзандлар ардогида умр кечирмоқда. Айни вақтда ҳам Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тадбирларида, ҳисобот концертларида, битирувчи курс талабалари диплом рақслари қабулида муваффақиятли иштирок этиб, ёш раққос ва раққосаларимизнинг рақсларини кузатиб, уларга маслаҳатлар беришда давом этиб келмоқда.

## I боб бўйича хулоса

Ўзбек миллий ракс санъати кўп минг йиллик тарихга эга. Унинг ўзига хос таровати, жозибadorлиги, оромбахшлиги албатта биз яшаб турган худуд, асрий урф-одатлар, анъана ва кадриятлар замирига бориб такалади.

Милий ракс меросимиз ўрганилганда тарихнинг турли даврларидаги ижтимоий-сиёсий вазият соҳа тараққиётига кучли таъсир ўтказганлигини кўриш мумкин. Тинч, осайишта ҳаёт ракс санъати тараққиётига замин яратса, ўзаро бошбошдокликлар, урушлар мавжуд ижодий жараёнларни тўхтаб қолишига олиб келган. Яна шу аҳамиятлики, ракс санъати ўлкамизда жуда қадимда пайдо бўлиб, қатта ютуқларга эришган бўлсада, амирликлар ва хонликлар даврида кўпгина ҳолларда майиший томоша сифатида эътироф этилган. Диний мутаассиблик аёллар ракс санъатига бутунлай тўсик бўлган. Шундай бўлсада, гоҳ эркаклар раксиди, гоҳ “ўғлон бола ракси”, “баччалар ракси” “ичкарилардаги ракслар” кабиларда ракс намуналари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Мазкур жараёнларда анъанавий театр намоёндаларининг хизмати қатта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизга профессионал театр санъатининг кириб келиши ва том маънода миллий ракс санъатимизда бурилиш ясади. Халқ томонидан профессионал театр санъатининг секин-асталик билан бўлсада қабул қилиниши миллий ракс санъати ривожига ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Қ.Мирқаримова айнан мана шу даврда ракс санъатига кириб келди. Бу даврда М.Тургунбоевнинг меҳнат ва машаққатлари эвазига ракс халқ орасида санъат сифатида эътироф топаётган эди.

## II БОБ. ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВАНИНГ “БАҲОР” РАҚС АНСАМБЛИДАГИ ФАОЛИЯТИ

XX аср ўзбек рақс санъатининг энг сара, ноёб дурдоналарининг яратилиши, унинг дунё бўйлаб парвоз қилиши “Баҳор” рақс гулдастаси номи билан боғлиқ бўлди. “Совет маданияти”, “Совет санъати” соцреализм таъсирида ўзининг иккиланишлар даврини бошдан кечираётган бир даврда “Баҳор” рақс ансамбли чакмоқ сингари юзага чиқди ва кўзларни камаштирди, дилларни нурафшон этди. Айни шу даврда Ўрта Осиё минтақасида ҳеч бир рақс ансамбли “Баҳор” билан беллашишга муносиб эмас эди. Мазкур ансамбл ўзбек рақс санъатининг нодир намуналарини яратиш билан бирга профессионал раққосаларни ҳам ўз имкониятларини юзага чиқаришга кенг имкон берди.

Рақс маликаси – Мукаррама Тургунбоева 1957 йилда ташкил этган мазкур ансамблда энг иқтидорли, профессионал раққосалар Гулнора Маваева, Халима Камилова, Галия Измайлова, Тамара Юнусова, Зулайхо Раҳматуллаева, Дилбар Абдуллаева, Эркиной Расулхўжаева, Лилия Расулова, Раъно Низомова, Дилера Керимова, Неъла Баширова, Валентина Романова, Алла Раҳимжонова, Самий Ахмадиева, Мухтабар Йўлдошева, Клара Юсупова ва бошқалар бор эди. Қ.Миркаримова бу ижодкорлар ичида энг талантилиси ва умидлиси эди.

## 2.1. Қундуз Миркаримова: ижро ва маҳорат пиллапоялари

Қундуз Миркаримова ижро маҳоратининг юксалиши, янги ижодий марраларга чиқишида баҳор ракс ансамблидаги фаолияти катта аҳамият касб этди. Баҳор ракс ансамбли ижрочиларининг асосини Тошкент хореография билим юртини тамомлаган кизлар ва Тошкент давлат консерваторияси ва Ўзбекистон мусиқа мактабларини тугатган жўрнавот созанда, хонандалар ташкил этарди. В.Алиев, Р.Ҳамдамов, Е.Каримов, Қ.Дадаев, К.Ақбарбеков, Ў.Ризаев, С.Тўхтасинов, Б.Холиков, К.Носиров Қ.Комилов сингари созандалар, ҳамда О.Матёкубов, Б.Йўлдошев ва бошқа хонандалар ансамблнинг дастлабки ижодкорлари эди. Қ.Миркаримова мазкур ансамблда яққалон ижрочи ва Мукаррама Турғунбоевнинг “ўнг қўл” ёрдамчиси эди.

Қундуз Миркаримова бу йилларни шундай хотирлайди: “Кечагидек ёдимда, 1957-йил эди ўшанда. Кеч соат 9 ларда эшик қўнғироғи жириглаб қолди. Не кўз билан кўрайки, Мукаррама Турғунбоева ўғли билан эшик олдида турибди. Уйга олиб кирдим, сўз бошлади Мукаррама опам: “Катта бошимни кичик қилиб келдим, кизлар ракс ансамбли тузяман, раққоса ва менга ёрдамчи бўласан”, ўзбек ракс санъати маликасининг бу таклифидан суйиниб кетдим, бу мен учун шараф эди”. Ансамбл эса ўша машҳур “Баҳор” эди”.

Айтиш ўринлики, Мукаррама Турғунбоева ташаббуси билан ташкил этилган “Баҳор” ашула ва ракс ансамбли ўзбек ракс санъати сарчашмаларини бир ўзанга боғловчи ўзига хос восита бўлди.

Тўғри, ўзбек ракс санъатининг ноёб дурдоналарини тиклаш, саралаш ишлари XX асрнинг 20 йилларида бошланган. “1926 йилда М.Қориёкубов ва Тамарахоним кабилар бошчилигида ташкил этилган ўзбек этнографик концерт труппаси бу борада самарали фаолият олиб борган. 1935 йилда Москвада бўлиб ўтган халқ театрлари I олимпиадасида М.Қориёкубов,

Тамарахоним ва бошқа Ўзбекистон вакиллари иштирок этишган. Шу йили Лондонда I халқаро халқ рақслари фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистонлик санъаткорлар Уста Олим Комилов ва Тамарахоним голиб бўлдилар”.<sup>1</sup>

1936 йилда Ўзбекистон филармонияси қошида Ўзбекистон халқ рақс ва кўшиқ дастаси ташкил этилган. Мукаррама Турғунбоеванинг рақс санъатига кириб келиши 1927-1929 йилларда, педагогика техникумида ўқиб юрган кезларида бошланади. 1929 йили илк ўзбек раққосаларидан бири бўлган Нурхон Йўлдошхўжаеванинг мутаассиблар томонидан ўлдирилиши М.Турғунбоевага қаттиқ таъсир қилади лекин шунга қарамаздан ҳаётини рақс санъати билан боғлашга қарор қилади.

XX аср рақс санъати тарихини таҳлил этишда кўриш мумкинки, Тамарахоним ижоди айни мураккаб зиддиятлар, қарамақаршилиқлар ўт олдирилган даврда хотин-қизларни озодликка, маънавий эркинликка чакирик сифатида пайдо бўлди. Унинг ижодий фаолияти рақснинг кўнгилхушлик эмас, балки, санъат тури сифатида тан олиншини таъқозо этди. Мукаррама Турғунбоева эса авлодлар алмашинувида ўзига хос кўприк вазифасини ўтабгина қолмай, балки миллий рақс санъатининг концепциясини ишлаб чиқиш жараёнларини ўз ижодий фаолиятида жамлади. Қундуз Мирқаримова эса манашу авлодлар занжирининг навбатдаги мураккаб халқаси бўлдики, унинг ижоди, педагогик, балетмейстерлик фаолияти бугунги ўзбек рақс санъати, мактаблари қонуниятлари ва услубларининг муайян кўринишга келишига асосий омил бўлди. Бу жараёнларни бириктирган, авж олдирилган ўзига хос лаборатория бу – шубҳасиз “Баҳор” ансамбли эди.

Айтиб ўтиш керакки, Қ.Мирқаримованинг “Баҳор” рақс ансамблига тақлиф этилишига, аввало Алишер Навоий номидаги балет театридаги 1951-1953 йиллардаги фаолияти ҳам муҳим рол ўйнади. У Москва рақс

<sup>1</sup> Ҳамраева Г. Рақснинг миллий қиёфаси. –Тошкент: Санъат нашроти, 2012 й. 105-б.

мактабини тугатиб, орттирган тажрибаларини шу масканда кўллаётган эди. Аммо мазкур театрда Кундуз Миркаримова ҳаётида янги паллалар, ўзгаришлар бошланмоқда эди. Бу 1952 йилларга тўғри келади.

Ўша йилларда Мукаррама Турғунбоева ҳам Катта театрда фаолият юритар, унинг эл-юрт олдида хурмати баланд эди. Бу даврда раққоса Мукаррама Турғунбоеванинг ижоди гуллаб яшнаган, театрда “Гулсара” операсида рақс ижро этар, концертлар, учрашувлар уюштирар эди. Ижод машаққатларида тобланаётган Мукаррама Турғунбоева рақсга лаёқати кучли Кундуз Миркаримованинг қобилиятларини ҳам айнан мана шу муқаддас даргоҳда англаб улгурган эди. У Кундуз Миркаримовани ёнига чакириб “Кундузой, рақсларимни сенга ўргатаман, шогирдим, ўринбосарим бўлишингни хоҳлайман, ҳарна, ишим бир оз енгиллашса” – деб таклиф киритади. Шу кундан бошлаб, Мукаррама Турғунбоеванинг Кундуз Миркаримовага устозлик қила бошлайди. Унга ихлоси баланд бўлган Кундуз Миркаримов ҳам астойдил Мукаррама Турғунбоеванинг изидан боришга интилди. Унинг ижроларини жон бериб кузагади, ижодий тавсияларига амал қилади. Мана шу ижодий жараёнлар устоз-шогирдлик, ишонч-эътиқод масалаларини мустаҳкамлаб борди.

Кундуз Миркаримованинг Катта театр сахнасидаги илк маъсулиятли ижроси Толибжон Содиқов сахналаштирган “Гулсара” операсидаги Мукаррама Турғунбоеванинг “Тановар” рақси эди. “Ижро муваффақиятли чиққан эди, Опа (Мукаррама Турғунбоева) роса хурсанд бўлганди, ижроимдан қувонганди... Биринчи марта сахнага чиққанимда опанинг миллий либосларини кийганим кечагидек ёдимда, буюк раққосанинг либосларини кийганим, опанинг устозлик меҳри бир умрга қалбимда муҳрланиб қолди”<sup>1</sup>

1957 йилга келиб М.Турғунбоева “Баҳор” рақс ансамблини тузишга мувофиқ бўлди. Ансамблга Фаргона, Қўқон, Маргилон шаҳарларидан

<sup>1</sup> Кундуз Миркаримова билан бўлган суҳбат. 2018 йил, 2 март

иктидорли кизлар жалб этилди. М.Турғунбоева раҳбар, Тамара Юнусова ҳамда Кундуз Миркаримова мазкур ансамблга ракс ўргатувчи бўлиб иш фаолиятини бошлашди. Тез орада кизлар сони 40 тага етди. М.Турғунбоева бор куч – кувватини, ижодий имкониятини ишга солиб “Пилла”, “Тановар”, “Наманганнинг олмаси”, “Пахта”, “Баригал”, “Катта ўйин” ва бошқа бир канча раксларни сахналаштирди.

1960 йил “Баҳор”га Давлат ансамбли макоми берилиши муносабати билан Мукаррама Турғунбоева ансамблнинг иктидорли ёш раккосалар билан мустаҳкамлаб бориш, уларнинг маҳоратини ошириш, янги ракс ва ракс дастурларини яратиш, бадий савияни хамиша баланд ушлаб туриш, гастроль сафарларини юкори даражада ўтказиш, шу максатда ўзбек ракс меъросини ўрганиш, жахон халқлари раксларини сахналаштириш масалалари билан умрининг охиригача шуғулланиб келди. Бу ансамблга Мукаррамахоним бадий раҳбар, бош балетмейстер вазифаларида фаолият кўрсатиб, бу давр мобайнида у ўн бешта концерт дастури, яккахон ва дуэт ракслар яратди. Кундуз Миркаримова ҳам ушбу ансамблда ишлар экан, ижодининг гуллаб-яшнаши даврини бошидан кечирди. “Баҳор” ансамблининг энг яхши раккосасига айланди.

Қ.Миркаримова кизгин ижодий жараёнларнинг ичида бўлди, балетмейстерлик, ракс сахналаштириш сирларини эгаллай бошлади. “–Опада она меҳри каби жушқин ҳиссиётлар кўп эди. Ҳар бир раккоса кизни ўз кизидек кўрарди, моддий томондан кейинчилик бўлса ёрдам берарди, ҳатто менинг устимдаги атлас куйлагимнинг ранги учиб қолганлигини кўриб, жавонидан янгилсини олиб берганди ва: “Менга ўхшаб юр, кўп умр кўр”, –деганди... “Балетмейстерликда ҳам мохир эди, ҳеч бир ижрочини кўздан қочирмасди”<sup>1</sup> –дея эслайди Қ.Миркаримова.

<sup>1</sup> Кундуз Миркаримова билан бўлган суҳбат. 2018 йил, 2-март

Мукаррама Турғунбоеванинг “Ғайратли киз” раксини сахналаштириб, Қ.Миркаримова ижросига беради. Мазкур раксни Қундуз Миркаримованинг биринчи, энг ёрқин ижроси дейиш мумкин. Бу раксда Қ.Миркаримова бутун вужудини, борлигини бериб ижро этади. Қундуз Миркаримова ўз ижоди фаолиятида жаҳон ва ўзбек халқининг кўп асрлар мобайнида тўпланган анъанавий ракс маданияти билан жаҳон замонавий ракслари ютуқларини мужассамлаштирди.

Қундуз Миркаримова лирик раксларни ижро этганда орзулар оташида ёнар, қувноқ ракслар ижросида бахт мадх этувчи сифатида тавдаланарди. Унинг тана ҳаракатлари, қўл ҳаракатлари, юз-кўз мимикалари, имо ишоралари аниқроғи, бутун вужуди ракс ижросида мураккаб уйғунлик касб этарди. “Қатга ўйин”, “Хоразмча ракс”, “Роҳат”, “Гулноз”, “Баҳор тонги”, “Пилла”, “Тановар”, “Помирча ракс” сингари ракслари унга чексиз шон-шуҳрат ва халқ меҳрини олиб келди. Унинг энг севиб ижро этадиган ракси эса “Гулноз” эди.

Қундуз Миркаримовага Мукаррама Турғунбоевадан ўлмас мерос, етук тажриба ва сўнмас хотиралар қолди. Шунинг билан бирга “Баҳор” ракс ансамбли ҳам. “Мендан сўнг “Баҳор” ансамблга сен раҳбарлик қилишингни хоҳлайман. Фақат сен ҳақлисан” деб айтарди, дея эслайди, Қундуз Миркаримова. “Айни вақтдаги шахсий ҳаётимдаги йўқотишлар, Мукаррама опамнинг оламдан ўтиши менга анча огир ботди, кўп қийналдим. Шундай бўлсада ўзимни қўлга олиб, “Баҳорни” бошқаришга киришдим”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қундуз Миркаримова билан бўлган суҳбат. 2018 йил, 2-март

## 2.2. Қундуз Миркаримова “Баҳор” ракс ансамбли раҳбари:

### ижодий сафарлар ва эришилган марралар

“Ўзбек ракс маликаси” Мукаррама Турғунбоева бир неча йиллик ижодий фаолияти давомида тўплаган бой ижодий тажрибасини амаллаштириш ва ракс санъати нуфузини оширишда самарали ишлар олиб борди. Бу борада унинг “Баҳор” ракс ансамблини ташкил этганлиги катта ҳоққа бўлди.

1978 йили “Баҳор” ансамблининг ташкилотчиси ва раҳбари Мукаррама Турғунбоевнинг ҳаётдан кўз юмгани ансамбль учун улкан йўқотиш бўлди. Зеро, М.Турғунбоева “Баҳор”ни дунёга келтирган ва уни ҳаққа етказган инсон эди. Йигирма бир йил ичида Мукаррама опа раққосалар учун нафақат устоз ва мураббий, балки меҳрибон она ҳам бўлиб қолган эди. Шу сабабли ҳам Мукаррама Турғунбоева вафотидан сўнг “Баҳор” ансамблига буюк раққосанинг номи берилди.

1979 йили ансамбль раҳбарлиги М.Турғунбоевнинг энг суюкли шогирди, машҳур раққоса ва балетмейстер Қундуз Миркаримовага ўтади. Жамоадаги оғир тушқунликка қарамай, Қундуз Миркаримова қисқа вақт ичида ансамблининг ижодий кайфиятини қайтадан тиклашга эришди. Раққосалар ўзгача куч ва шижоат билан янги рақслар сахналаштиради. Эндиликда М.Турғунбоевнинг дўстлари ва шогирдлари олдида буюк ўзбек раққосасининг ишларини давом эттиришдек улуг вазифа Қ.Миркаримова зиммасида турар эди. “Баҳор” ансамблининг балетмейстер сифатида Қ.Миркаримова ўн йил давомида фаолият кўрсатди.

Қундуз Миркаримова “Баҳор” ансамблини ўн йил давомида муваффақиятли бошқарди. Ансамбль репертуарини янада бойиши, жаҳонга танилишида 60 йилларнинг охири ва 70 йилларда жамоага келиб қўшилган М.Эргашева, Г.Фозилжонова, О.Мухамедова, Г.Жораева, Ф.Низомитдинова, Д.Зиёхонова, Р.Низомова, Р.Шарипова, В.Романова, Г.Ҳамроева, М.Ҳайдарова, Д.Юнусоваларнинг хизматлари катта бўлди.

Бу бошқарув даври мобайнида Қундуз Миркаримова устозлар таълимига содиқ қолиб, ансамбль репертуарини турли ҳудудларга хос янги-янги рақслар билан бойитди. Фарғона, Наманган, Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хоразм рақслари каторида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқлар ва қорақалпоқ халқининг рақслари ҳам ансамбль репертуаридан ўрин олди. “Баҳор вальси”, “Дилдор”, “Фарғона рубойиси”, “Гулноз”, “Наманган олмаси”, “Андижон полкаси”, “Пиёла” сингари фарғонача услубда яратилган рақслар, “Самарқанд бешқарсағи”, “Бухоро давраси”, “Хоразм лазғиси”, “Қирк киз”, “Нилуфар”, “Оқ олтин”, “Дугоналар”, “Шуҳи пари”, “Нозанин”, “Гулдаста” сингари рақслар халқ меҳрини қозаниб Қундуз Миркаримова ижодий парвозларини давом эттирди. Шунингдек, жамоа репертуаридан ҳинд, покистон, бирма, япон, корейс, араб, турк, авғон, куба, венгер, вьетнам, чех ва бошқа жаҳон халқларининг жозибали рақслари ўрин олган бўлиб, ансамбль репертуарини бойитиши билан раққосаларнинг бир қолипда қотиб қолмаслигига, уларга кенг ижодий имкониятлар яратишга кўмак берди.

Қундуз Миркаримова раҳбарлик йиллари давомида ансамбль Хитой, Ироқ, Швеция, Норвегия, Финландия, Италия, Франция, Ангола, Мальта, Гвения, Мозамбик, Тунис, Шимолий Корея, Олмония, Австрия, Польша, Болгария, Чехославакия, Венгрия, Югославия, Руминия, Лаос, Мексика, Испания, Аргентина, Канада, Куба, Греция, Англия, Шотландия, Бразилия, Вьетнам сингари дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатларига ижодий сафарлар уюштирди. “Баҳор” Рақс санъати мутахассислари, ихлосмандлари, маданият ва санъат арбоблари олқишларига сазовор бўлди.

Бу даврларда Қундуз Миркаримова томонидан “Хотира”, “Муштавод”, “Ўзбекистон кизлари”, “Наврўз”, “Танавор 2”, “Тановор 3”, “Сийнахирож”, “Сурнай навоси”, “Эй сарви равон”, “Хамса”, “Насри сеғоҳ”, “Тоғ кизи”, “Дилхирож”, “Нурхон” каби бир-биридан ажойиб ва ўзига хос рақслар сахналаштирилганлиги жамоа репертуарини янада

бойитди. Меҳнат шавки акс этган “Пилла”, “Пахта байрами” ракс сюиталари ва “Гулсара”, “Наманганча”, “Роҳат”, “Помир ракси” ўзига хос шукуҳ ва гайрат билан ижро этилган бўлса, “Етти сайёра”, “Самарканд баҳори”, “Куда андалар”, “Чопон”, “Қоғирчок” каби сюжетли ракслар ансамбль репертуарининг хилма-хиллигини оширишга хизмат қилди.

Қундуз Миркаримованинг энг монументал ишларидан бири – бу шубҳасиз хотира раксини сахналаштиргани бўлди. Устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган ушбу ракс қирк беш кишилиқ жамоага эга 40 дақиқа давом этади. Бунда М.Турғунбоева сахналаштирган “Тановор”, “Жонон”, “Роҳат”, “Муножат” сингари энг гўзал раксларидан парчалар олиниб, битта умумий эстетик гоёга бирлаштирилди. Унда нафақат М.Турғунбоева, балки ўзбек раксининг асосини яратиб берган устозлар эҳтиромига таъзим қилинади. “Хотира” оммавий ракси томошабинлар юрагидан чуқур ўрин олди.

1980 йил Қ.Миркаримова бадиий раҳбарлигидаги “Баҳор” ракс ансамбли Москвада бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида доирасида ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этиб, жуда кўплаб сахнавий чиқишлари билан томошабинлар меҳрини қозонади. Бу сингари ижодий сафарлар ансамбль иштирокчилари гайратига-гайрат қўшади.

Қ.Миркаримова 1981 йили буюқ мутафаккир, газал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 540 йиллигига бағишлаб, шоирнинг “Хамса” асари асосида адабий-муסיкий композицияни сахналаштирди. Унда ўзбек заминида етишиб чикқан беш нафар шоирларимизнинг сиймолари ҳам гавдалантирилди. Шоирлардан бири Увайсий роли Қ.Миркаримованинг суюкли шогирди Гулчехра Фозилжонова томонидан юқори савияда, маромига етказилиб ижро этилади. Қолган тўрт шоирларни Маъмура Эргашева, Гулнора Жўраева, Ўғилой Муҳаммедова ва Зиёда Мадрахимовалар аъло даражада ижро этди.

бойитди. Меҳнат шавқи акс этган “Пилла”, “Пахта байрами” ракс сюиталари ва “Гулсара”, “Наманганча”, “Роҳат”, “Помир ракси” ўзига хос шукуҳ ва ғайрат билан ижро этилган бўлса, “Етти сайёра”, “Самарканд баҳори”, “Куда андалар”, “Чопон”, “Қоғирчоқ” каби сюжетли ракслар ансамбль репертуарининг хилма-хиллигини оширишга хизмат қилди.

Қундуз Миркаримованинг энг монументал ишларидан бири – бу шубҳасиз хотира раксини сахналаштиргани бўлди. Устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган ушбу ракс қирк беш кишилик жамоага эга 40 дақиқа давом этади. Бунда М.Турғунбоева сахналаштирган “Тановор”, “Жонон”, “Роҳат”, “Муножат” сингари энг гўзал раксларидан парчалар олиниб, битта умумий эстетик ғояга бирлаштирилди. Унда нафақат М.Турғунбоева, балки ўзбек раксининг асосини яратиб берган устозлар эҳтиромига таъзим қилинади. “Хотира” ансамбвий ракси томошабинлар юрагидан чуқур ўрин олди.

1980 йил Қ.Миркаримова бадиий раҳбарлигидаги “Баҳор” ракс ансамбли Москвада бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида доирасида ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этиб, жуда кўплаб сахнавий чиқишлари билан томошабинлар меҳрини қозонади. Бу сингари ижодий сафарлар ансамбль иштирокчилари ғайратига-ғайрат кўшади.

Қ.Миркаримова 1981 йили буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 540 йиллигига бағишлаб, шоирнинг “Хамса” асари асосида адабий-муסיқий композицияни сахналаштирди. Унда ўзбек заминида етишиб чиққан беш нафар шоирларимизнинг сиймолари ҳам гавдалантирилди. Шоирлардан бири Увайсий роли Қ.Миркаримованинг суюкли шогирди Гулчеҳра Фозилжонова томонидан юқори савияда, маромига етказилиб ижро этилади. Қолган тўрт шоирларни Маъмура Эргашева, Гулнора Жўраева, Ўғилой Муҳаммедова ва Зиёда Мадрахимовалар аъло даражада ижро этди.

Агар М.Турғунбоева яратган рақслар ўзининг чуқур лирик кечинмалари билан ажралиб турган бўлса, Қ.Миркаримова сахналаштирган рақслар бой темперамент билан фарқ қилган. Ўзининг балетмейстирлик фаолияти давомида Қ.Миркаримова турли хил мавзуларга мурожаат қилди. Булар орасида миллий ва замонавий мавзулар билан бир қаторда тарихий ва этнографик мавзулар ҳам бор эди.

Қ.Миркаримова “Баҳор” ансамбли учун қанча жон куйдириб ишласада, 1988 йилга келиб топширишига тўғри келди. Ундан сўнг қисқа муддатга ансамблга Р.Шарипова (1988-1990 й.й.) бадиий раҳбарлик қилди. Р.Шарипова қисқа муддатда жамоани тарк этишга мажбур бўлди. Бир жиҳатдан ўзаро низолар бўлса, бошқа тарафдан 90 йиллар бошида ансамбль иқтисодий жиҳатдан ҳам мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Шу заил, секин-аста “Баҳор” ансамблининг аввалги шухрати йўқолиб, нуфузи туша борди. Кўпгина ижодкорлар ансамблни тарк эта бошлади. Гастроллар кўлами ҳам бироз қисқарди. Ундан сўнг истъедодли раққоса ва балетмейстер Маъмура Эргашева бадиий раҳбарликни ўз кўлига олди. Ижодкор раҳбарликнинг биринчи кунларидан бошлаб М.Эргашева мавжуд муаммоларни ижобий тарафга ҳал этишга, жамоадаги ижодий жараёни жонлантиришга ҳаракат қилди.

Бу даврда М. Эргашева томонидан “Баҳорим”, “Фигонким”, “Сенинг қарашларинг”, “Наврўзи ажам”, “Гул ва булбул”, “Ўйнаса”, “Ҳаёлий қиз”, “Ўзбекистон”, “Уч доира рақси”, “Бебаҳолардан”, “Ялла айтайин”, “Сафти муножот”, “Бунча гўзал”, “Эрта билан тураман”, “Бухороча рақс”, “Билакузук”, “Хоразмча қорагул”, “Эркалаб”, “Парвона”, “Фарғона гўзали”, “Хива гўзали”, “Андижон полькаси” ва бошқа кўплаб рақслар сахналаштирилди. Бироқ, барча саъй - ҳаракатларга қарамай, ансамблда мавжуд муаммолар чуқурлашиб боришда давом этади. Рақс жамоасининг молиявий имкониятлари сезиларли даражада чекланиб қолди. Ансамблга

Иктидорли раққосаларнинг келиб қўшилиши камайиб, ансамблнинг  
сали ёмонлашиб борди.

Қундуз Миркаримова “Баҳор” рақс ансамблини ёдга олир экан, 90-  
лардаги йўқотишлар ўз даврининг “рақс лабораторияси”ни қўлдан бой  
берганлигини таъкидлайди. Қ.Миркаримованинг бу куйинишлари нақадар  
қўри эканлигини вақт кўрсатмоқда.

## II боб бўйича хулосалар

“Баҳор” рақс ансамбли М.Турғунбоева бадиий раҳбарлиги даврида юксак ижодий марраларга эришиб, ўзбек рақс санъатининг энг нодир намуналарини дунё сахнасига олиб чиққан эди. Унинг вафотидан кейин мазкур ансамбль раҳбарлиги Қ.Миркаримовага ўтади. Бу ўз даврининг тўғри қарори ва айна пайтда Қ.Миркаримова мазкур ансамблга энг муносиб раҳбар эди.

“Баҳор” ансамбли хақида сўз очарканмиз, аввало, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “Баҳор” бу соф аёллар рақс жамоаси эди. Ўша даврда мавжуд рақс жамоалари орасида “Баҳор” ансамблини ажратиб турувчи асосий хусусият ҳам айнан шунда эди. Ансамблни айнан аёллардан ташкил топишида ҳам катта маъно бор эди. “Баҳор” мустақил ва ўз кучига ишонган замонавий Шарқ аёлларининг ўзига хос тимсоли ҳисобланарди. Бу айниқса, ансамбль рақсларининг бадиий ғоявий талқинида ўз аксини топди. Мумтоз рақслар билан бир қаторда ансамбль репертуарида “Пилла”, “Рохат”, “Пахта байрами”, “Дугоналар”, “Ок олтин” каби замонавий мавзудаги ўйинлар ҳам мавжуд эди. Жаҳон халқлари рақслари ҳам ансамбль томонидан юксак даражада ижро этилган.

### III БОБ. ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВАНИНГ БАЛЕТМЕЙСТЕРЛИК ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

Ўзбек рақс санъати кўп минг йиллик тарихга эга. Тарихий ~~м~~балаларга кўра рақс санъатининг пайдо бўлиши полеолет даврига бориб ~~т~~етади. Деворий суратлар ва бошқа археологик топилмалар бундан ~~т~~увоқлик беради. Мана шу ўтган кўп минг йиллик тарих давомида рақс ~~с~~анъати шакл ва мазмунан, бадий-ғоявий, эстетик ривожланиб, ўзига хос ~~б~~ўлган хусусиятларни жамлаб келди. Мана шу тараққиёт жараёнлар ~~т~~амирида ўзбек миллий рақс санъатининг уч - Фарғона–Тошкент, Бухоро ва ~~Х~~оразим мактаблари шаклланди. Бу уч мактабнинг бадий ижро ~~у~~слублари, ўзига хос характерли хусусиятлари ўзбек рақс санъати ~~к~~онцепциясини ташкил этади.

Қундуз Миркаримова мана шу уч мактабга хос бўлган барча ~~х~~усусиятларни яхши англаган ва ҳар бир мактаб рақсларини маромига ~~э~~тказиб ижро этган маҳоратли раққоса бўлиши билан бирга, жаҳон ~~х~~алқлари рақслари билимдони ҳам эди. Унинг бу имконияти ~~Қ~~.Миркаримова ижодининг балетмейстерлик ва педагогик фаолиятида ~~б~~етакрор рақс намуналарини яратишига кенг имкон берди. Унинг рақс ~~и~~жрочилиги, сахналаштириш ва рақс яратиш борасидаги устозлардан олган ~~таъ~~лим-тарбияси, “Баҳор” ансамбли ижрочиси ва раҳбари сифатида дунё ~~х~~алқлари санъати ва маданияти билан яхши танишганлиги навбатдаги ~~и~~жодий фаолиятида муҳим аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

### 3.1. Қундуз Миркаримова балетмейстерлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбек миллий рақслари бошқа халқлар рақсларидан мутлақо фарқ этади. Бир қарашда туркий халқларнинг рақслари бир бирига ўхшасада, лекин улардаги ҳаракатлар, рақслар мазмуни жиҳатидан мутлақо ўзгачадир. Шунинг учун мисол тариқасида кўпгина рақсларни келтиришимиз мумкин. Масалан, биргина “Катта ўйин” рақсини олганимизда, унинг бир бирини тасвирламайдиган ўта мураккаб ҳаракатларини фақатгина ўзбек рақс санъатида учратишимиз мумкин. Бу ўзбек миллий рақс санъатининг ўзига хос, нозик ва мураккаб томонларини юзага чиқардики, натижада балетмейстерлик соҳасининг ҳам ўзига хос жиҳатларини юзага чиқарди.

XX асрга келиб ўзбек миллий рақс санъати уч мактаб ижро услублари кўринишида тўла қарор топди ва юксалди. Бу давр Исҳоқор Қўлиқов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Гавҳар Қўлимова синганри ўзбек рақс санъати вакилларини етиштириб берган эди. Шунинг билан ману шу ижодкорлар ижро услуби, фаолияти, таълим-тарбияси миллий рақсимизнинг тамал тошини қўйиши билан бирга кейинги давр рақс санъати мутахассис кадрлар тайёрланиши учун ижод сарчашмаси бўлди. Қундуз Миркаримова “Ўзбек рақсининг маликаси” – Мукаррама Турғунбоеванинг мактаби таълимини олган эди. Бу унинг кейинги ҳаётида, педагогик маҳоратида ҳам, балетмейстерлик фаолияти ҳам профессионал бўлишида муҳим роль ўйнади. Бироқ балетмейстерликнинг ўзига хос муаммолари мавжуд эди.

Маълумки, мамлакатимизда гарчи рақс асрлар давомида яшаб, ривожланиб келган бўлсада, ўтмишда рақс ёзилмаган. Фақат 1936–1941 йиллардагина этнограф Ираида Бахта “Катта ўйин” номли Фарғона рақс туркумини сўз билан ёзиб олган. Унга Ғулом Зафарий ва мусикашунос Е.Романовская яқиндан ёрдам берган. Шу даврда Уста Олим Комилов

Тамарахоним “Дойра дарси” машғулотларини яратиб, шу асосда ёш артистларни тарбия қила бошлаган.

Кейинги даврларда, 1962 йилдан бошлаб Хамза номидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг “Театр ва хореография” бўлимида ўзбек рақс санъатини ёзиб олиш ишлари билан раққоса, режиссёр педагог, балетмейстер Розия Каримова шуғулланди. У ўзининг “Фарғона рақси”, “Хоразм рақси”, “Бухоро рақси” ва бошқа бир қанча методик қўлланмаларини ишлаб чиқди. Бу ўзбек рақс тарихидаги дастлабки қўлланмалар эди.

Қундуз Миркаримова ижодий фаолиятида қўлланмалар яратиш ишлари билан шуғулланмаган. У асосан рақс амалиёти билан шуғулланган. 1964-1979, 1988, 1996 -2012 йиллар мобайнида Қ.Миркаримова Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида рақс санъати сирларидан сабоқ берган.

Айтиш мумкинки, хореографияни уч соҳаси фарқланади. Рақс ижрочилиги, балетмейстерлик ва рақс сахналантириш (рақс яратиш, рақсга муаллифлик қилиш). Қундуз Миркаримова эса бу пиллапоялардан босқичма-босқич ўтиб келган. Дастлабки даврларда рақс ижрочилиги билан шуғулланади. Кейинчалик балетмейстерлик ва рақс яратиш ишлари билан машғул бўлади.

Ижодий тажрибасидан келиб чиқиб Қ.Миркаримова шундай дейди: “Рақс сахналантириш ишлари анчагина мураккаб жараён ҳисобланади. Айниқаса юқори, профессионал даражада устоз санъаткорлар сахналантирган рақсларни қайта сахнага тайёрлаш, рақс ғояси, драматургияси, унинг нафислиги ва нафосатига путур етказмаслик муҳим масаладир. Ҳозирги даврда компьютер технологиялари, видео, аудио дисклар кўп қулайликлар туғдирди. Ҳозир рақс ижрочиси видео тасмада ўз ижросини кўриши, йўл қўйилган хато ва камчиликларини устози билан

бу таҳлил этиши, керакли ишларни амалга ошириши мумкин. Шунингдек, аввалги рақс ижроларини, миллий рақс санъатимизнинг эгалари рақсини томоша қилишлари мумкин. Бу ҳам рақс санъати ҳақида муҳим ўрин эгаллайди”<sup>1</sup>

Бугунги кун миллий рақс санъатида юзага келаётган ўзгаришлар, ўзига хосликлар, интирнет саҳифаларида санъат ва маданиятнинг асосий вазифий қуролга айланиши, “оммавий маданият” деб аталмиш мазмун-маънога эришсиз, енгил-елпи ҳаёт кечирини қаратилган ғоявий бузғунчилик ҳолатида, санъат орқали инсонлар оламига кириб келиши ҳолати кўп учрамоқда. Бу эстрада рақси билан бирга рақс санъатида ҳам кўп учраётган ҳолатдир. Ачинарли жиҳати рақс санъати эстрада қўшиқчилигида ўзига хос рақс бўлиб хизмат қилмоқда. Энг салбий жиҳати онгсиз равишда ўрта миёна маданиятга интилиш, нодавлат телевидение каналларида, сариқ матбуот ва оммавий ахборот воситаларида авж олаётган ноанъанавий “Замонавийлик” уч рақс мактабларини услубларининг қориштириб, бирёқламалик стилизациялар қилиб, миллий рақс санъатимизни ўзига хослигига путур етказиш натижасида ўзбек рақс санъатида миллийликдан узоқлашиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бу бугунги кун рақс педагогикасининг асосий муаммосидир.

Қ.Миркаримованинг саҳналаштирган ва ижро этган кўпжа рақслари Мукаррама Турғунбоева услубидадир. Жумладан, “Тошкент занги”, “Қўқонча доира рақси”, “Ёр истаб”, “Тановар-1, 2, 3”, “Янги тановар”, “Тошкент тановари”, “Фарғона тановари”, “Наманган тановари”, “Қўқон тановари”, “Адолат тановари”, “Эйсарвиравон” (маком), “Ўрик гуллаганда”, “Ўзбекистон қизлари”, “Наврўз рақси”, “Ўзбек миниатюралари”, “Хамса рақси” (Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Дилшоди Барно, Зулфия), “Хотира”, “Она қалби” (композиция), “Баригал” (композиция), “Салом айтинг”, “Катта бухорча”, “Бисёр”, “Олмача анор”,

<sup>1</sup> Кундуз Миркаримовадан олинган суҳбатдан. Тошкент, 2018 йил, 2 март

“Ўзана”, “Палак”, “Пахта” ва шунингдек, араб, тунис, япон, турк ва корея халқ рақсларида буни ёккол кўриш мумкин.

Шу ўринда айтиш керакки, Қ.Миркаримова ижодий фаолиятининг рақсак марраларга чиқишида нафақат устозлари, аввало ўзининг чидам ва кетонати, соҳага меҳри баландлиги катта омил бўлди. У устози — М.Турғунбоевнинг барча сабоқларини ўзлаштира олди. Бироқ, ижро ва талқинда ҳеч бирини такрорлаган эмас. Бу авлодлар алмашинувида муҳим ҳамият касб этди. Бироқ, XXI аср рақс санъати ва маданияти борасида салбий фикр-мулоҳазалар талайгина.

Бу муаммолар Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий марказлар илмий-методик маркази томонидан ўзбек миллий рақси ва хаваскорлик ансамбллари фаолиятига доир ўтказилган тадбирда кенг ўрганилиб, “Ўзбекитон адабиёти ва санъати” газетанинг 2006 йил 9 июндаги № 23 сонидида санъатшунос Гулчехра Умарова муаллифлигида нашр этилди. Даставвал муаллиф миллий рақснинг фалсафий мазмунига тўхталди. Шунинг баробарида мақола муаллифи бугунги кун ўзбек рақсининг оғрикли нуқталарига, жумладан, миллий эркаклар рақси ҳақида ҳам тўхталиб, бу борада ҳам ривожланиш сусайиб бораётганлигини, Қодир Мўминов, Назриддин Шерматов каби рақс усталарининг йўлини давом эттиришга қодир яхши раққосларнинг йўқлигини таъкидлайди.

Тадбирда “Афсуски, бугун ўша даврлардаги каби (Мукаррама Турғунбоева ижоди, фаолияти даври назарда тутилаяпти) рақсларни кўрмаймиз... Ҳозир фақат яллага ўйнашади. Алоҳида мусиқаларга рақс тушиш йўқолиб кетди. Республикамиздаги мавжуд учта рақс мактаби услублари қоришиб боряпти. Раққосларнинг либослари ҳам бачкиналашиб кетаяпти, дуч келган кийимни кийиб олиб рақсга тушаверишади. Бу каби каби ҳолатларга жиддий эътибор беришимиз керак. Сиз билан бизнинг вазифамиз—ўзбек миллий рақсларининг ўз қиёфасини

—таб қолиб, келажак авлодга етказиш” —дея, куйиниб гапиради Қундуз Миркаримова.

Тамарахонум мемориал уй музейида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкилотчилигида буюк ўзбек раққосаси ҳамда балетмейстери Мукаррам Турғунбоевнинг 100 йиллигига бағишлаб 2013 йилнинг 29 январь куни “Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий мероси ва замонавий ўзбек рақс санъати муаммолари” мавзусида давра суҳбати ўтказилган. Қ.Миркаримова мазкур тадбирда ҳам мавжуд муаммоларни айтиб ўтади: “-Жуда кўп рақс ансамбллари мавжуд. Аммо, биз уларда жуда кўп ҳолларда миллий санъатимизнинг соф анъаналарини бузилаётганлигини гувоҳи бўляпмиз. Ўзбек рақсларидан борган сари ўзига хос таъсирчанлик йўқ бўлиб кетмоқда. Агар Мукаррама опа бирон-бир рақсни саҳналаштиради, бу рақс албатта ҳамманинг эсида қоладди. Афсуски, бугунги кундаги бир-бирига ўхшаш юзлаб рақс номерлари тўғрисида бундай дейиш қийин”. Албатта, рақс санъати борасида бир канча танқидий қарашлар, муаммолар юзасидан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, бироқ, масаланинг ечими борасида қувонарли натижалар мавжуд эмас.

Қундуз Миркаримова кўп йиллар давомида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида педагогик фаолияти билан шуғулланди, кўп шогирдлар чиқарди. У дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиб, кўп халқлар рақсларини ижро этди. Ўзбек рақс мактабларининг ҳам рақсларини моҳирона ижро этсади, аммо у том маънода Фарғона-Тошкент рақс мактаби услубининг профессионал раққосаси бўлиб етишди.

Фарғона – Тошкент рақс мактаби ўзбек халқ рақси услубларининг энг назик ҳаракатларга қурилган услуби бўлиб, у Қўқон хонлигининг Фарғона ва Тошкент воҳасида шаклланиб, ривожланиб келган. Бунда асосан қадди-қоматни тик тутиш, енгил ва ифодали юришлар, кўп қиррали, пухта ишланган ва аниқ маъноларга эга бўлган қўл, билак, бармоқ ҳаракатлари,

ангоҳлар, нафис бош ҳаракатлари Фарғона-Тошкент ракси асосини ташкил қилди. Қундуз Миркаримова айнан, мана шу мактаб талаблари асосида шайбония олган.

Қундуз Миркаримованинг балетмейстер сифатида қуйидаги рақсларни маҳорат билан сахналаштирган: “Тошкент занги”, “Қўқонча шайбония ракси”, “Ёр истаб”, “Тановар-1,2,3”, “Янги тановар”, “Тошкент тановари”, “Фарғона тановари”, “Наманган тановари”, “Қўқон тановари”, “Адолат тановари”, “Эйсарвиравон” (маком), “Ўрик гуллаганда”, “Ўзбекистон қизлари”, “Наврўз ракси”, “Ўзбек миниатюралари”, “Хамса ракси” (Зебунисо, Увайсий, Нодира, Дилшоди Барно, Ожиза), “Хотира”, “Она қалби” (композиция), “Баригал” (композиция), “Салом айтинг”, “Қағда бухорча”, “Бисёр”, “Олмача анор”, “Сўзана”, “Палак”, “Пахта” – миллий рақслар ҳамда “Сафти муножот”, “Насир сеғох”, “Сирахирож”, “Дилхирож”, “Қўза ракси” ва араб, тунис, япон, турк, корейсча якка рақслар.

Қундуз Миркаримова Бухоро, Фарғона, Хоразим мактаби элементларидан фойдаланиб жозибали рақслар сахналаштира олган. Чунки, у қағда мактаб кўрган эди. М.Турғунбоева раҳбарлигида ишлагани, унинг рақсларини қунт ва сабот билан кузатгани унинг яхши мутахассис бўлиб етишишида аҳамиятли бўлди.

### 3.2. Қундуз Миркаримова ижоди тарғиботи ва замондошлар фикри

Санъат–инсон тафаккури, фикри, уй-кечинмаларининг юксак маҳсули бўлиб, барча даврларда жамият ижтимоий-маданий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб келган. Санъат ҳар қайси кўринишда, ҳар қайси шаклда бўлсада, инсон маънавий оламининг ажралмас қисми, ўзига хос эзукасидир. Ўз навбатида санъатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тараккий этишида инсон маънавий онгининг муҳим кўриниши – фикр мулоҳазаси, таърифи, тасдиғи, эътирофи муҳим роль ўйнаб келган. Барча даврларда санъат халқ маънавий илдизига таянади ва халқ, омма олқиши, эътибори билан тараккий этади. Шу боисдан ҳам барча даврларда санъатга баҳо берилиб келган ва бу ўз ўрнида санъатнинг янада юқори паллага кўтарилишида муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, халқ эътирофи, санъатшунослар нигоҳи ижодкор шахс маданиятини оширишга, унинг ўз устида тинимсиз меҳнат қилишга ундаган. Ҳатто, Қадимги Грецияда санъатлар бўйича ташкил этилган мусобақаларда ғолиблар учун махсус шохсупалар тайёрланган бўлиб, ғолибларга атаб ишланган ҳайкаллар ўрнатилган. Бундан кўринадики, ўша даврларданок санъатнинг халқ оммаси эътиборидан куч-қувват олиши, бу ўз навбатида ижодкор шахси тарбиясида, ижодий равнақида муҳим аҳамият касб этиши анланган.

Узоқ тарихий тараккийёт даврида санъат турлари кўпайиб бораркан, уларга баҳо беришнинг ҳам турли кўринишлари, шакллари кўпая борди. Бугунги кунда эса санъат асарларига томошабинлар, мухлислар, мутахассислар фикри, мулоҳазаси турли жанрларда газета, журнал, интернет саҳифаларида пайдо бўлмоқда. Радиоэширттиришлар ва телевидение кўрсатувлари муайян воқеликда санъатнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрни ва ролини таҳлил этишга, унинг ривожланишига, тарғиб қилишга кўмак бериб келмоқда. Ўз навбатида рақс санъатининг ҳам тараккий этиши ва ривожланишида оммавий ахборот воситалари

сахифаларида хоҳ танқидий, хоҳ ижобий бўлсада, ижтимоий муносабатнинг мавжудлиги ва соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари ижодкор шахс тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон санъатшунослик илмида санъатни, хусусан рақс санъатини ёт унсурлардан ҳимоя қилиш, унинг оммавий маданият таъсирларидан асраш, келажак авлодга намунавий мактаблар меросларини қолдириш масаласи глобал шароитдадир.

“Оммавий маданият” таъсири ўлароқ кириб келаятган енгил-елпи дунёқараш, ҳаётда ҳеч нарсага парво қилмаслик масаласи тарғиб қилинаётган бир даврда рақсшуносликда муайян муаммоларни тўғри талқин қилиш, рақс мероси масаласига чуқурроқ кириб бориш ва тарғиботини кенг йўлга қўйиш долзарб масаладир.

Ўзбек миллий рақс санъати моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак унинг нафислиги, нозиклиги, ички кечинмаларга бойлигини ва шарқона хулқ атвор ва муҳаббат замирида юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, “Тановар” драматургиясига назар солсак, юқоридаги фикримизга далил бўлади. Аммо, ҳозирда рақс санъати эстрада қўшиқчилиги билан бир узанда сузиб, мазмун-моҳиятини йўқотиб бораётганлиги ачинарлидир. Кўришимиз мумкинки, ёш эстрада хонандалари ўз қўшиқларини оммалаштиришга, ном қозонишга интилиб, рақс санъатидан қўшимча элемент, баъзан ўзига хос “фон” сифатида фойдаланиб, билиб-билмаган ҳолда “оммавий маданият” унсурларини ўз клипларида кенг тарғиб қилмоқда. Бу борада, Қундуз Миркаримованинг фикрларини юқорида келтириб ўтган эдик.

Шу сабабдан бугунги кун санъатшунослиги муаммо ва ечимлари масаласида фикр юритганда ворисийликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ҳам рақс санъат тараққиёти ва истикболида катта аҳамият касб этади.

Сўнги йилларда юртимизда ташкил этиладиган маданий тадбирлар, фестиваллар ва танловлар сафи кенгайиб, музика ҳамда рақс санъатига кўроқ-рожаатлар янада кўпайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, хореография соҳаси омма олдида анчайин кўзга тушди. Бугун бирор байрам ё тантанани рақс чиқишларисиз тасаввур қилиш қийин.

ОАВ - даврнинг етакчи воситаларидан бири сифатида ижтимоий-саноатий ҳаётнинг ўзига хос кўзгусидир. Шу маънода, ОАВ да санъатнинг турли соҳалари ва йўналишлари ўз ифодасини топар экан, мазкур жараёнда рақс санъати мероси масаласи қаторида Қундуз Миркаримова шаклий фаолияти ёритилиши муҳимдир.

Ҳозирги кунда рақс санъатининг тарғиб-ташвиқ этишга қаратилган турли жанрлардаги мақолалар нафақат давлат нашрларида, балки тижорий нашрларда ҳам учраб туради. Уларнинг аксарияти таниқли раққосаларимиз билан интервью, суҳбат характерида бўлиб, буларда озми-кўпми соҳанинг турли аспектлари ўз аксини топади.

Бироқ, рақс санъати фақат ўзигагина хос жиҳатлари билан бошқа санъатлардан ажралиб туради. Рақс санъати мафтункор, кишини ўй-хаёлини бутунлай ўзига жалб эта олдиган даражада гўзал санъат бўлсада, у ҳақида икки оғиз сўз гапириш мураккабдир. Рақс санъати драматургиясини, ундаги ҳолатларни, юз-кўз имо-ишораларини, ритмлари, терминологиясини билмаган ҳолда у хусусида сўз юритиш анчайин қийин. Инсон кечинмаларининг гўзал ифодасини ундан-да нафисроқ таърифда шакл топтиришни ҳар ким ҳам уддалайвермайди.

Яккахон рақслар, сахна рақслари ёки оммавий тадбирлар рақслари ўз мазмун-моҳиятига кўра мустақил бўлиб, мураккаб таҳлилий жараён, кўп илм, бадиий тасаввур, меҳнат ва маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда бу жараёнларнинг машаққатларидан қочиб, рақс ҳақида ёзганда ижодкорнинг қайси тадбирда қайси рақсни ижро этганини, у қанчалик маҳорат билан

Кўрсатиб берилганини “яхши” ёки “ёмон” деб баҳолашдан нарига ўтмайди. Айтишлари эса раққос ёки раққосанинг шахсий ҳаёти, кечинмалари билан алоқадорлиги тўлдиришга интилади. Ҳар қайси ҳолатда ҳам раққос санъатининг тарққили, таназзули ва истиқболига, ривожланиш муаммоларига доир масалалар иккинчи даражага тушиб қолмоқда.

Ҳар қанча ҳаракат қилинмасин матбуот саҳифалари ва телевидение экранларида раққос санъати етук вакил ва вакиллари ижоди, фаолияти, соҳа тарққилиётига қўшган ҳиссаси ўрганилмас, тадқиқ этилмас экан, санъат тарққилиёти олдидаги тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишнинг имкони бўлмайди.

Маҳоратли раққоса ва балетмейстер, ўзбек раққос санъатининг билимдони Қундуз Миркаримова фаолияти бутун бир авлод учун каттагина тажриба ва маҳорат мактаби бўлсада, сўнгги йилларда унинг ёлдокорона меҳнати тарғиботи йўқ. Фақат санъатшунос олимларнинг тор доирадаги конференцияларда, илмий-амалий анжуманларда Қ.Миркаримова мероси ва ворисийлик масаласи ҳақида сўз юритилади.

Мазкур магистрлик диссертацияси тадқиқот жараёнларида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, Қ.Миркаримова фаолияти ҳусусида тадқиқотларнинг каттагина қисми унинг “Баҳор” ансамбли фаолияти даврига тўғри келади. Ижодкор меросининг бугунги кун раққос санъати тарққилиётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳусусида маълумотлар етарли эмас. Шу боисдан ижодкор ҳаётининг саҳифаларда акс этмаган фаолияти ҳусусида унинг шогирдлари, замондошлари хотираси муҳим манба бўлмоқда қуйида улар билан танишамиз.

**Қурқмас Сағатов Сағатович. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистон Халқ артисти.**

Қундуз опа Миркаримова ўзбек миллий рақсининг бугунги кундаги қизик афсонасидир. Бу шахс ҳақида гапирадиган бўлсак, у мактаб кўрган санъаткор. У кўп йиллар М.Турғунбоева билан бирга фаолият олиб борди, рақснинг услубини, рақс сахналаштириш сирларини, рақснинг ўзига хос рақосиятларини ўрганди. У Юсуфжон қизик Шакаржонов, Тамарахоним, Қата Олим Комилов сингари ўз даврининг етук раққосалари, чинакам санъатдоғи рақс санъати билимдонлари ижроларини кўрган санъаткор.

Мактабга опани мен таклиф этган эдим. Доирачи–Ғофур Азимов билан бирга филармонияда ишлашарди. Рақсларини кўрганман. “Келинг бизга, сизга ўхшаган раққосалар керак, мактабни оёққа турғазимиз зарур, кетганман. Ғофур Азимов ҳам биринчи усталарни, ҳақиқий устозларни кўрган шахс эди. Улар келиб, яхши хизмати кўп бўлди.

Мактабда дарс бериш педагогнинг ҳам маҳоратини оширади. Қундуз опа яхши раққоса эди, ва яхши, профессионал педагог, балетмейстер сифатида ҳам ўз имкониятларни намоён этди.

Қ.Миркаримова “Баҳор” ансамблига бадий раҳбарликка таклиф этилганда, менадан мамнун бўлган, ва шахсан ўзлари “Баҳор” дастасини бошқаришида, балетмейстерлик фаолиятини ривожлантиришда ва раҳбарлик фаолиятини олиб боришда мактабнинг ўрни катта бўлганлигини айтиб ўтди.

Қундуз Миркаримова балетмейстерлиги ҳақида айтиш мумкинки, у ўз ишининг моҳир устаси. Очиғини айтганда, Мукаррама Турғунбоева ўзбек рақсининг гултожиси. У биринчи яккахон раққоса, балетмейстер, ҳам тажрибали раҳбар ҳам эди. Қундуз Миркаримова эса унинг чинакам ворисидир. Опадан кейин “Баҳор” ансамблини 10 йил муваффақиятли бошқарганлиги ҳам буни исботлайди. Қундуз Миркаримова даврида

“Баҳор” ансамбли сўнмади. “Баҳор” ансамблининг тарқалиб кетишида унинг ҳеч қандай айби йўқ. Аксинча, Мукаррама опадан сўнг 10 йил ансамблни бошқариб, ўзининг муносиб ворис бўлганлигини исботлаб берди. “Баҳор” Қ.Миркаримова раҳбарлиги даврида ўзининг ёрқин намуналари билан дунё кезди.

Бугунги кунда ёш балетмейстерларимизнинг рақсларини кўриб ачинаиб кетасан. Чунки, рақсни кузатиб, томоша қилиб, таҳлил қилиб тақриз ёзишга арзигулик нарса йўқ. Унда ижро йўқ. Рақснинг ўз тили, айтадиган “гапи” бўлиши керак. Ёшларимизнинг кўпчилиги Қундуз опамнинг мактаби тарбиясини ололмади. Ҳозирги ёшлар ўқитишни билмайди, тарбиялашни, раққосани “пишитишни”ни билишмайди. Шунга ҳам алоҳида айтиш жоизки, бугун ёшларимиз рақс ансамбллари тузиб, концертларда иштирок этиш билан бирга тўй-ҳашамларда юришибди. Ўзи рақс санъатига эндигина қадам қўйган ёшларимизда тажриба, устоз ўқитлари, устоз-шогирд анъаналари етишмайди, қандай қилиб бошқа рақс санъатига қизиққан ёшларни тарбиялаши мумкин. Бу борада, эътироз билдирамиз десак саволлар талайгина...

Қундуз Миркаримова Мукаррама опанинг таълимини олган эди. Тамарахонимнинг рақсларини кўрган, катта мактаб кўрган санъаткор. Ижодий фаолияти давомида ажойиб рақслар ижро этди, педагоглик фаолияти давомида ажойиб раққосалар чиқарган. Ўзбек рақсидан, Бухоро, Фарғона, Хоразм рақс мактаблари элементларидан фойдаланиб рақслар сахналаштирди.

Қундуз Миркаримовада ҳам ўзининг мактаби, ўз ижро услуби бор. Ҳар бир ижро этган, сахналаштирган рақсларининг ҳам маъноси, мазмун-моҳияти, юраги бор.

“Баҳор” ансамблидан кетганларидан сўнг мактабга келиб дарс берди. Дарс жараёнига ҳавасингиз келади. У бир вақтнинг ўзида ҳаммани

Бошқаришни биларди. Афсуски, ёшларда бундай хусусиятлар йўқ. Ҳозир Олий Мактабга Мукаррама опа, Қундуз опага ўхшаган ижодкор устозлар кўп бўлмайди.

Ҳозирда Олий мактабда рақс сирларидан дарс бераётганлар кўп, лекин ўқитувчилар бор, аммо Қундуз опанинг ёки Розия опанинг саводхонасида эмас. Авлодлар орасида узилиш бор. Шу мени ташвишга солади.

Ҳамма ҳам ўқитувчи бўлавермайди. Ўз касбини яхши билиши, яхши келтириши, яхши ижро этиши мумкин, аммо ёшларни тарбиялаб, рақс саводхонасида “қолипга келтириш” бошқа масала. Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Қундуз Миркаримова, сингари рақс санъати фидойилари, билимдонлари йўқлиги кишини ташвишлантиради.

Қундуз опа яратган рақсларнинг яна бир ажойиб хусусияти, уларда миллийлик бор эди, халқ дарди бор эди. Ўзига хос жозоба, нафосат бор эди. Мисол учун, “Пилла”, “Роҳат”, “Тановар”, “Муножат” каби рақсларининг олинги бу рақсларнинг маъно-мазмунини бор, уларда миллийлик яшайди. Қундуз Миркаримова ўзбек миллатининг юрагини, қалбини, дардини, ўзига хослигини кўрсатиб бера олган рақсда. Тановар, Ўзбек халқининг юраги, синкилган юрак, азоб, соғинч азоби, кутиб-кутиб эзилган қалб дарди...

Буни яратиш учун инсон кўп нарсани кўриши, билиши керак. Бу устозлар миллат тушунчасини зўр тушунган. Дардини англаган. Афсус, ҳозирги рақс санъати ҳақида бундай деб бўлмайди. Қ.Миркаримова чин маънода ўз соҳасининг профессионал устасидир.

Бугунги рақс санъатида кечаётган жараёнлар ёмон эмас, ижодкорлар изланаёпти, янги рақслар саҳналаштиришга интиляёпти, аммо, улар миллий рақс санъатимиз меросини яхши тушунмаяпти. Рақсни томоша савиясига тушириб қўйиш керак эмас, у санъатнинг энг нозик ва гўзал туридир. Буни билиш ва англаш учун аввало, ўзбек рақс санъати тарихи,

жаранлари, М.Турғунбоева, Қ.Миркаримова сингари профессионал ижодкорлар меросини билиш муҳимдир.

Бу борада, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тавраи, “Шухрат” медали совриндори, Қундуз Миркаримованинг шайхона Сайёра Тўраеванинг фикрларига эътибор қаратсак,- “Қундуз опа Миркаримова чин маънода ўз касбининг фидоийси, профессионал раққоса, рақсмейстер ва педагогдир. Унинг бетакрор, нафис ижоди, ўзигагина хос “ишлари” бор. Унинг қўллари, елка, ҳаракатлари, кўз имо-ишоралари... Улар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Қ.Миркаримова таълими ва тарбиясини олдим, кўп йиллардан буён рақс санъати борасидаги мулоҳазаларини эшитдим. Унинг рақс санъати борасидаги билим ва тажрибаси таҳсинга лойиқ.

Қундуз опамнинг педагог сифатида маҳоратини аниқроқ англаш учун шайхона Сайёра Тўраеванинг фикрларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон рақс артистлари Ўғилой Муҳамедова, Света Турсунова, Гавҳар Аминова, Дилфўз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Малика Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исаматова, Ўзбекистон Республикасидаги “Зебо” рақс ансамблининг ташкилотчиси Зебо Аминзода ва бошқаларнинг ютуқларида айнан Қундуз опамнинг берган таълими-тарбияси муҳим роль ўйнаган. Бугунги ижодий жаранларда ҳам Қ.Миркаримова мероси катта аҳамиятга эга. Фақат буни билиш ва амалиётда қўллай олиш муҳимдир.

### III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Қундуз Миркаримова ижодий фаолиятида балетмейстерлик ва педагогика алоҳида аҳамият касб этади. У балетмейстерлик сир-вазирларини ўрганишда М.Турғунбоева хиссаси катта бўлганлигини таъриф этади.

Қ.Миркаримова “Баҳор” ансамблига таклиф этилган чоғларидаёқ М.Турғунбоеванинг энг ишонган шогирди ва ёрдамчиси бўлганлиги кейинги фаолиятида катта аҳамият касб этган. Бу ижодий жараёнларда М.Турғунбоевадан кўп сабоқларни ўзлаштирган. “Баҳор” ансамблига раҳбарлик йилларида ўзи бир неча рақсларни муваффақият билан ўзлаштириб, эл-халқ олқишига сазовор бўлишида мана шу рақснатларнинг аҳамияти каттадир.

Қ.Миркаримова ансамблдан кейинги фаолиятини тўлалигича Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида рақс фанидан талабаларга сабоқ бериш билан ўтказди. Унинг йиллар давомида ўргаттирган бой тажрибаси миллий рақс таълимида бир қанча шогирдлар таъришига кўмак бўлди.

Қ.Миркаримованинг ўзбек миллий рақс санъати таракқиётига қўшган хиссаси беқиёс ва ўчмасдир.

Сўнгги йилларда Қ.Миркаримова меросини ўрганиш, таҳлил ва таъриф қилиш масаласи анча суст эканлини ҳам кўриш мумкин. Бугунги куннинг энг таъсирчан воситалари телевидение ва газета журналларда унинг ижоди тадқиқига эътибор кам. Зеро, рақс мероси сақланишида ўшларнинг бу нодир рақс намуналаридан баҳраманд бўлиши, яқиндан танишиб бориши муҳим масаладир.

## ХУЛОСА

“Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримованинг миллий рақс санъати ривожланишига қўшган ҳиссаси” номли мазкур магистрлик диссертацияси жараёнларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Ўзбек миллий рақс санъати XX аср силсилаларига қарамасдан анъана ва кадрларимиз замирида шаклланди ва қисқа муддат ичида шиддат билан ривожланиб, тараққий этди. Бу жараёнларда ўлкага профессионал санъатдаги театр санъатининг кириб келиши алоҳида аҳамият касб этди. Мумладан, театр мавжуд мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларда инсонлар онгу-шуурини ўзгартиришга, санъат ва маданиятга бўлган қизиқиборни оширишга алоҳида хизмат қилди. Ўзбек рақси узоқ тарихга эга бўлсада, айнан XX аср бошларида театр санъати замирида янгидан, санъатвий кўринишда қайта барпо бўлди. Бу жараёнларда Юсуфжон кизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова сингари рақс санъати билимдонларининг ўрни ва аҳамияти катта таъсирини кўриш мумкин. Аввало, М.Турғунбоеванинг ўзбек миллий рақс санъатида ўзига хос бадиий қиёфа яратганини таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ижодий фаолияти давомида ўзбек рақс санъатида юксак бадиий намуналар яратилди ва намоён этилди. Ўлкамизда мавжуд бўлган 3 та мактаб Фарғона – Тошкент, Бухоро, Хоразм қабилар фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатлари билан фарқланиб, ижтимоий-маданий ва географик омиллар замирида бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиб, ривожланиб келди. Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Гавҳар Раҳимова, Наталья Губская сингари рақс билимдонларининг анъаналари давомчиси сифатида Қундуз Миркаримова 20 асрнинг иккинчи чорагида рақс оламига кириб келди ва бор ижодий имкониятларини ишга солиб, ўзбек рақс санъатини дунё миқёсида тарғибот этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Қундуз Миркаримованинг санъат оламига кириб келиши ички таъсиётлар замирида ва оила кўмагида содир бўлган дейиш мумкин. Онасининг мутаассибликлар кучайган бир даврда рақс мактабига етаклаб борганлигини Қундуз Миркаримова ҳақиқий жасорат деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Қундуз Миркаримованинг ижодий фаолиятини кузатиш ҳосиласи сифатида айтиш мумкинки, унинг мумтоз, халқ-саҳна рақсларини қайта тиклаш ва саҳналаштиришдаги қизматлари кагга бўлди. Шунингдек, Қундуз Миркаримованинг авлодлар таълимидан муносиб ўрин эгаллаб, ўзига хос “кўприк” вазифасини тўлақонли адо этиб, ўзидан кўпгина шогирдлар қолдирди.

Хореографиянинг уч соҳаси—рақс ижрочилиги, балетмейстерлик ва рақс педагогикаси Қундуз Миркаримова ижодида асосий фаолият мезони бўлди. Тўғри, Қундуз Миркаримова рақс санъатига оид ёхуд ўқитиш услубларига оид методикалар яратмади. Балки, бутун ижодий фаолияти рақс амалиёти билан ўтди. У Фарғона—Тошкент рақс мактабининг буюк вакиласи сифатида ўз “почеркига” эга бўлди.

Қундуз Миркаримова шахсиятининг ривожланишида шубҳасиз “Баҳор” ашула ва рақс ансамбли ўзига хос “лаборатория” вазифасини ўтади. Ижодининг энг гуллаган даври мазкур ансамбль раққосаси ва балетмейстери сифатида ўтган йилларига тўғри келади.

1957 йилда “Баҳор” ансамблининг ташкил этилиши, унга 1960 йилда давлат ансамбли мақомининг берилиши ташкилотчи Мукаррама Турғунбоева билан бирга Қундуз Миркаримовага ҳам кенг ижодий эркинлик сари йўл очиб берди. Мазкур ансамблда у яккахон раққоса, солистка ва кейинчалик устоз-шогирд анъанасининг ёрқин ифодачиси сифатида етакчи балетмейстер бўлиб, “Баҳор” ансамблида муваффақиятли фаолият олиб борди. Қундуз Миркаримова ўзининг бой ижодий мероси билан ўз номини абадиётга муҳрлай олди.

Қундуз Миркаримованинг раҳбар ва балетмейстерлик фаолияти Мукаррама Турғунбоевадан сўнг “Баҳор” ансамблини бошқариш раёнида янада ёрқинроқ намоён бўлди. У ўн йил давомида ансамблини муваффақиятли бошқариб, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларига ижодий кўрсаткичлар уюштириб, ўзбек миллий рақс санъати довуғини оламга таърифлади.

Педагог сифатида ҳам кўп қамровли фаолият олиб борди. “Баҳор” ансамблида ишлаб юрган кезларида ҳам Хореография мактабида дарс ўқитиш вазифаларини олиб борган. Ансамбль раҳбарлигидан кетгандан сўнг кўп йиллар давомида Тошкент давлат миллий рақс ва хореографи олий мактабида педагог сифатида фаолият юритди. Ҳозирда Қундуз Миркаримова Олий мактаб Устоз–маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб келимоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қундуз Миркаримова уз устозларидан бориб, анъаналарни давом эттирди. Ўттизга яқин рақсларни саҳналаштирди. Ўзбек рақс санъатида ўзининг бетакрор рақс услубига асос қўлади. Унинг энг катта мероси – ўзига хос услуб ярата олганлигидадир. Бу услуб ўзбек миллий рақс ижрочилигида янги маъно-мазмун ва моҳият касб қилди, рақслар жозибadorлигини оширди.

Қундуз Миркаримова ўзининг барча муваффақиятларида, рақс гушиш, рақснинг саҳналаштиришнинг мураккаб сир-асрорларини ўрганишда устозлари Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Наталья Губская, Гавҳар Раҳимова, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова сингари рақс усталарининг кўмаги катта эканлини таъкидлайди.

Қундуз Миркаримованинг бугунги кун ўзбек миллий рақс санъатида рўй бераётган ўзгаришлар: турли рақс мактаблари услубларининг қоришиб кетиши, анъаналарга путур етиши, саҳна эстетикасининг йўқолиб бораётганлиги, раққосаларнинг грим масалаларида бўрттиришларга

бўлаётганлиги, ижро жараёнида рақс драматургиясига, гоёсига, мазмун – маъносига, мақсадига мос бўлмаган ялтир-юлтир, тор либосларнинг қўлланилаётганлиги доимий ташвишга солади.

**Тадқиқот натижаларига кўра қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:**

XXI аср компьютер технологияларининг тараққиёти, интернет сайтларининг соддалашиши ва ишлаш жараёнининг қулайлашуви дунё бораётган маконини бир ўзганга бирлаштириб, глобализация юқори чўққига олиб бораётган бир жараёнда эстетик тарбия, гўзалликни сақлаш масаласи биринчи ўринга чиқади. Глобаллашув ўзининг қулайликлари, ижобий таъсирафлари билан бир қаторда салбий оқибатларини ҳам юзага чиқармоқда. Бу санъат соҳасида содир бўлаётган трансформацион жараёнларда асл, миллий рақс санъати анъаналарини ёт унсурлардан, турли ноўрин харакатлардан асраш, авайлаш, келажак авлодга етказиш масаласи долзарблаштирилмоқда. Шунга кўра, рақс санъатининг дурдоналарини телевидение орқали тақдим этиб бориш, оммавий сайлларда ва байрамларда чиқишлар ташкил этиш, ноёб кадриятларимиз жамланмаси бўлмиш нодир рақс санъати тарғиботини кенгайтириб, телевидение орқали турли таҳлилий, танқидий кўрсатувлар ташкил этиш керак, назаримда.

Тадқиқот жараёнида аниқ бўлдики, рақс санъатининг нашрий ОАВ саҳифаларида ҳам, электрон ОАВ орқали ёритилиши ҳам эътибордан четда қолмоқда. Фақат, информацион жанрлардаги айрим материаллар мавжуд. Муаммоли, мулоҳазали мавзулар кўламини кенгайтириш, профессионал рақсшунослар фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш юқорида айтиб ўтилган Қарор, Фармон ва дастурларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мавжуд муаммоларни ҳал қилишга кўмак беради. Шунингдек, ўзбек миллий рақс санъати таълимида устозлар анъанасига кенг тўхталиб, ҳар бир ижодкорнинг рақс ижросидаги ўзига хос хусусиятларини ёритиб бориш, тўпланган маълумотларни методик

қўланмаларга жамлаш ва улардан талаба-ёшларнинг назарий бадиимларини оширишда ва дунёқарашини кенгайтиришда самарали фойдаланиш муҳим вазифадир. Инчунун, ҳар бир рақс ижрочиси намойиш қиладиган рақс намунасининг драматургиясини, ундаги ҳолат ва ҳаракатлар мазмун-мазмунини, пластикасини, либос этикасини ва ўзигагина хос нозик хусусатларини яхши англамоғи лозим.

Шунингдек, телевидение орқали кўрсатиладиган, турли тадбирларда ижро этиладиган рақс дастурларини маълум бир “Бадий кенгаш” кўригига тавола этиш масаласи ҳам рақс санъати ривожланиши ва унда миллийлик акс этганига ёрдам беради.

“Ўзбекнаво” Эстрада бирлашмаси ҳамда “Ўзбекрақс” бирлашмаси негизида ташкил этилган “Ўзбекконцерт” ижодий бирлашмаси олдида қолган вазифалар мавжуд бўлиб, мавжуд муаммо ва тўсиқлар юзасидан тегишли ишларни амалга оширади, деган умиддамиз.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 51-сон. – Т.: Адолат, 2012 й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 18/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон).
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий механизми тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил 7 октябрь (Ўзгартириш ва тасдиқлаш билан).

### II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 08.01.1997 йил 1-сон, 28 бет.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ-456-сонли Фармони.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2015

2-март. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.,  
98-модда, 43-сон, 549-модда

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6 сон.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июнь

### **III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ**

3.1. Каримов. И. А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: “Ўзбекистон овози” газетаси, 1998 йил 22 август.

3.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й.

3.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 й.

3.4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.

3.5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.

3.6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016 й.

#### IV. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

4.1. Авдеева Л.А. Мухитдин Кари-Якубов. (документальная хореография). – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1984 г.

4.2. Авдеева Л.А. Мукарамма Турғунбоевнинг рақси – Тошкент: Гафура Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й.

4.3. Авдеева Л.А. Танцевальное искусство Узбекистана – Ташкент: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1966 г.

4.4. Avdeyeva L. Ozbek milliy raqsi tarixidan. – Тошкент: Mukarrama Turgunboyeva nomidagi “O’zbekraqs” milliy raqs birlashmasi, 2001 й.

4.5. Каримова Р. Ферганский танец (методическое пособие). – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1973 й.

4.6. Каримова Р. Хarezмский танец. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1975 й.

4.7. Каримова Р. Бухарский танец (методическое пособие). – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1977 й.

4.8. Каримова Р. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1987 й.

4.9. Каримова Р. Танцы Равии Атаджоновой – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983 й.

4.10. Турсунов Т. Ўзбек театри тарихи – Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2008 й.

4.11. Хамраева Г. Рақсинг миллий қиёфаси – Тошкент: Санъат нашриёти, 2012 й.

#### V. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

5.1. Глобаллашув жараёнида хореография санъати соҳасида миллийликни сақлаш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами – Тошкент: Иқтисод – молия нашриёти, 2012 й.

5.2. Матёкубова Р. Лазги –Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1993 й.

5.3. Мукарамма Турғунбоева ижоди ва унинг ўзбек сахна географияси ривожини учун қўшган хиссаси. Илмий–амалий анжумани материаллари – Тошкент: “Mumtoz so’z” нашриёти, 2014 й.

5.4. Муҳамедова Ў.Н. Уйғур халқ рақси (ўқув қўлланма) –Тошкент: Оқил нашриёти, 2009 й.

5.5. Петросова Е.А. Каракалпакский танец. Методическое пособие . – Тошкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1976 г.

5.6. Sayfullayeva D., Kazakbayeva Z. O’zbek raqs san’ati tarixi va raqs san’atlashtirish sirlari . –Тошкент: “Voriz” нашриёти, – 2006 й.

5.7. Сборник научных трудов Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии. –Ташкент: “Star-poligraf” ХФ Босмахонаси, -2009. 95-Б.

5.8. Тамара Ханум. Моя жизнь -Т. : Издательство национальной библиотеки Узбекистана им А. Навои, 2009 б. 174-Б.

5.9. Шокиров У., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намояндалари. (мўъжаз ижодий чизгилар). –Тошкен: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001 й.

5.10. Ўзбек хореография санъатида ворислик санъати. Республика илмий–амалий анжумани материаллари. –Т.: Mumtoz so’z, 2015 й.

5.11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7 жилд, –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат миллий нашриёти, 2004 й.

## VI. ДАВРИЙ НАШРЛАР, СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР ВА ҲИСОБОТЛАР

- 6.1. Горлина И. Танец-выражение души. Народное слово.-Ташкент, 2011-№ 61 (4946)-Б.4.
- 6.2. Горлина И. Из солнца и неба Узбекистана. Балет.- Москва, 2013-№ 6 (183).-Б. 16-18.
- 6.3. Круглова Н. Танец древней Греции: прекрасный дар богов. Греческая.-Ташкента, 2011- 5-2 (217).-Б. 18-21.
- 6.4. Қодиров М. Раққоса, Балетмейстер, Педагог. Театр. – Тошкент, 2012 - №-5-Б . 16-17.
- 6.5. Қодиров М. Яллачилар санъати. Санъат. – Тошкент, 2008-№ 3-4 Б-36-38.
- 6.6. Лутфуллаев Х. Қўшиқ рақсга боғланса . Театр-Тошкент , 2013-№ 5-Б-11.
- 6.7. Муминова Н . За внешней легкостью парения. “Uzbekistan today”. – Ташкент, 2014-№-22 (405)-Б-7.
- 6.8. Пахрудинова К. “Тановар” сўзсиз қўшиқ . Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент. 2015-№-8 (4303).-Б.5.
- 6.9. Сайдалиев К. Энергия движения в танец. Народное слово.- Ташкент, 2015 -№-9 (6162) .-Б-4.
- 6.10. Турғунбоева М. Рақс рақсга уланди. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-Тошкент 2015-№-23 (4318). –Б-5.
- 6.11. Усанова Ш. Ёш тадқиқотчилар нигоҳида.Тошкент окшоми.- Тошкент, 2013-№-98 (12409). – Б-3.

## VII. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

- 7.1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 7.2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
- 7.3. [www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)
- 7.4. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
- 7.5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Р